



БАНК ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ҳозир Ўзбекистондаги тижорат банкларининг 576 шахобчасида ҳисоб-китоб ишлари тулиқ компьютерлаштирилган. Шунингдек, уларнинг 514 таси, яъни 89 фойизи электрон туловлар тизимида уланган. Яқин келажакда қолган шахобчаларни ҳам шу тизимга улаш учун тайёргарлик қурилмоқда.

ПАРИЖДА РАСМЛАР КЎРГАЗМАСИ

Франгистон пойтахти Париж шаҳрида ўзбекистонлик rassom Доимахоннинг расмлар кўргазмаси очилди. «Шоирлар боғи» деб номланган бу кўргазмадан rassomнинг йигирмадан ортиқ асари урин олган.

Бундан икки йил олдин ҳам Доимахоннинг асарлари Парижда катта муваффақият билан намойиш этилган эди.

АВТОМАШИНАЛАР ОЛИНДИ

Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳужаликлар ихтиёрида қолдирилган пахта ҳисобидан Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган «ДЭУ» корпорациясининг «Сисел» русумли машиналаридан 26 тани сотиб олди. Бу машиналар вилоят ички ишлар бошқармаси давлат автомобил назорати ва Миллий ҳавфсизлик хизмати ходимларига берилди.

СТИПЕНДИЯЛАР ТОПШИРИЛДИ

Япониянинг «Фукусима-Ўзбекистон» маданий-иқтисодий ҳамкорлиги уюшмасига қарашли истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш махсус жамғармаси республикаамизнинг аспирант ва талабаларини рағбатлантириш учун стипендиялар таъсис этган эди. Ўзбекистон маданий-маърифий алоқалар халқаро уюшмасида ана шу стипендияларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

ЎҚИТУВЧИЛАРГА МУКОФОТЛАР

Утган яқшанба кўни ўзларининг касб байрамларини нишонлаган мамлакатимиз ўқитувчиларининг тўрт юз нафардан зиёди Республика Президентининг Фармонида буюнган 1 ва 2 даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотландилар. «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси», «Ўзбекистонда хизмат курсатган ёшлар мураббийси» унвонига сазовор бўдилар.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИ ЎЗГАРГАЧ

Қорасувдаги пайпоқ туқиш фабрикаси ҳассадорлик жамиятига айлантирилгач, меҳнат самарадорлиги кескин ошди, маҳсулот сифати яхшиланди. Ҳозирда бу ерда ойига 9-10 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

ЎЗА ва республика матбуоти хабарлари асосида тайёрланди



Ажабо!

ДУМЛИ ЮЛДУЗ ТУҲФАСИ

Само жисмларининг ҳаракати қадимдан одамларни қизиқтириб келган. Чунки, само сатҳида комета (думли юлдуз)ларнинг пайдо бўлиши кишиларга ерда бўлажак турли хил ўзгаришлардан дарак берган-да... Ирим-сиримларга қаттиқ ишонувчанлар эса ҳатто бунни уруш, касаллик, очлик каби нохушлик белгиси деб ҳам қабул қилишган.

Тарихга назар ташлар экансиз, ана шундай думли юлдузлар ҳақидаги айрим қайдномаларни кузатасиз. Масалан, эраиздан олдинги 1059 йил кометаси. Бу комета илк бор Хитой мунажжимлари томонидан кузатилиб, «супурги юлдуз» деган номни олган. Маълум бўлишича, «супурги юлдуз»нинг пайдо бўлиши уларнинг шохига катта ғалаба олиб келган экан. Ёки эраиздан олдинги 44-йил кометасини олайлик. Бу комета римликлар йулбошчиси Жулиус Кайсар (Юлий Цезар) улдирилган дақиқада самодда акс этган. Римликлар эса бунни йулбошчиларининг руҳи худога бирлашганлигига йўйишган.

1811-12 йилларда пайдо бўлган думли юлдуз эса русларга совуқ уруш нафасини олиб келган бўлса (Наполеоннинг Россияга юриши), испанларга мисли қўрилмаган мўл-кўлчилик келтирди. Мексикада эса бу йилларда қўллаб-қўйиш қазилмалар топилиди.

Қани кўрайликчи, тахминан 2062 йилда ерга яқинлашадиган Галлей кометаси биз ерликларга қанақанги тўхфа олиб келаркин...

Алижон САФАРОВ

**Капалак мисоли ўйнар қизалоқ,
Санъат чаманига ярашиб, илло,
Болалик завқини куйлар қизалоқ,
Қўшиқлар руҳига сингдириб жило.**

Санъат бешигида йўртакланиб, ўлғайган ёш хушовоз қўшиқчи, ажойиб раққоса, 11 ёшли Шохсанам ҳақида газетанинг 7-саҳифасида ўқийсиз.

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

— Эгачилар, янгиликни эшитдингизларми?

— Ҳай, опоки, қанақа янгилик экан, тезроқ айта қолинг!

— «Оила ва жамият» газетасига 1996 йил учун обуна бошланибди. Шунга ҳозир почтага бормоқчи бўлиб турибман. Нафақамдан озроқ ажратиб вақтида обуна бўлиб қўйсам, газета йил бўйи уйимга келиб туради, дўконлардан излаб овора бўлиб юрмайман...

Ҳа, азиз муштарийлар, «Балоғат бекати», «Оила сабоқлари», «Турмуш чорраҳаларида», «Меърож одоби», «Киборлар ҳаётини», «Юлдузлар» меҳмонхонаси каби руҳлар остида чоп этиладиган ранг-баранг қизиқарли мақолаларни мунтазам ўқиб боришни истасангиз; «Хожи хандон»нинг ичкакузди хангомаларини ўқиб, мириқиб қулишни хоҳласангиз



«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»
газетасига обуна бўлишга шоян-
линг! Обуна барча алоқа бўлимла-
рида чекланмаган миқдорда қабул
қилинади.

Обуна баҳоси: бир йилга — 319
сўм 80 тишин
олти ойга — 159 сўм 90 тишин
уч ойга — 79 сўм 95 тишин



Туркистон бир — ватан бир САЙЛОВ МУДДАТИ БЕЛГИЛАНДИ

Қирғизистон Республикасининг қонунлар қабул қилувчи органи — Парламент Асқар Акаевнинг президентлик муддатларини 2001 йилгача узайтириш тўғрисида референдум ўтказиш ҳолатини мамлакат асосий қонуни — Конституцияга ҳилоф деб тоғди. Президент сайловлари эса шу йилнинг 24 декабрга белгиланди.

Бир ғуруҳ депутатларнинг президентлик муддатини узайтириш ҳақидаги ташаббусига бошдан оқ қарши бўлган Асқар Акаев бу қарорни маъқуллади.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

Туркманистон билан Словакия Республикаси ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ўзининг янги босқичига чиқмоқда. Мариди ва Ашхободдаги пойфазал фабрикалари негизда қўшма корхона барпо этишга келишиб олинди. Яқин келажақда «Мартимекс Омега» фирмасининг ташаббуси билан Туркманистонга Словакиядан 11,5 миллион долларлик техника воситалари ҳамда 3 миллион долларлик қурилиш материаллари келтирилиши кутилмоқда. Шунингдек, словакияликлар Туркманистон-Эрон-Туркия-Европа газ қувурининг қурилишида иштирок этиш истагини ҳам билдиришмоқда.

ЭРОН НЕФТИ ТОЖИКИСТОНДА

Тожикистон қўшни Эрондан йилига 600 минг тонна нефт сотиб олишга қарор қилди. «Тожикинефтьмаҳсулот» давлат компаниясининг раиси Омонулло Ҳукумовнинг айтишича, бу битимнинг амалга оширилиши туфайли Тожикистон ҳар йили 10 миллион долларга яқин маблағни тежаб қолар экан. Қолаверса, бу нарсареспубликани айрим давлатларга иқтисодий қарамлик ҳолатидан қутқаради.

КЎМИР КОНИ ЎЗЛАШТИРИЛМОҚДА

Қозғистон Республикасининг Ақмола шаҳри яқинидаги Сариядирдан топилган кўмир конини ўзлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қўра, бу ердаги кўмир захираси 270 миллион тонна атрофида бўлиб, у вилоят саноати учун бир неча ўн йилларга етиши мумкин экан. Қолаверса, бу кўмирнинг сифати ҳам жаҳон андозаларига жавоб беради.

«ЧОРРАҲА»-ЗЎР СЕРИАЛ БЎЛАДИ!

Қозғистонлик киночилар Буюк Британиянинг «Ноу Хау» жамғармасининг моддий кўмагида «Чорраҳа» номли кўп сериали телефилмни суратга олишни бошладилар. Машҳур «Санта Барбара» филмидан ҳам кўпроқ давом этадиган бу телесериални суратга олиш учун 250 минг АҚШ доллари сарфланиши мўлжалланмоқда.

МАҲАЛЛА ҲАМ КИЧИК МАМЛАКАТ

Маҳалла — уйлари уйларига туташ, уйлари уйларига вобаста Ватан.

Маҳалла — туйлари билан туйлари, куйлари билан куйлари эш бўлган кичик мамлакат.

Маҳалла — ташвишларни, қайгулару аламларни баҳам қурадиган бепоян қалб.

Маҳалла — қувончларни кучоқ очиб қутиб оладиган дарвозаси очиқ хонадон.

Маҳалла — нуруний отахонлару муътабар онахонларнинг ҳикматларини ўзида мужассам этган табаррук ва саховатли остона.

Маҳалла — чақалоқнинг киндигини кесиб, унинг қулогига номини айтиб қичқирган, меҳрибон доя.

Маҳалла — Ватан ичра Ватандир, дейди донолардан бири. Отанг маҳалла, онанг маҳалла, деб айтади халқ мақолларида.

Улуғ соҳибқирон Амир Темур мамлакат бирлигини, унинг осойишталигини кўзлаб мўмин мусулмонларни баҳамжihat яшашга даъват этади.

Қадимий шарқда маҳалла тинчлигини бузган ўғрилар, безорилар, фахшлар, фитначилар эларо сазойи қилинган.

Маҳалла — одобни покиза сақлаган мустаҳкам қўрғон.

Маҳалла — ифбат пардасига ўралган гулзор. Унда Отабеклару Қумушлар, Анвару Раъноларнинг абадий ишқлари барқ уриб туради. Биз ҳамон Қумушбинини соғинамиз. Биз ҳануз Раънонинг изтиробларини қўмсаймиз.

Бугун маҳаллаларимизда нега улар қўринмай қолди? Отабеклару Анварлар қаерга кетишди? Ё улар ҳам бозорни макон деб билишдими?

Қўнгил мени бу фикрдан дарров қайтаради. Қўз олдимдан бугуннинг

ташвиши, қувончи, ўйи билан яшаётган юзлаб, минглаб маҳалладошларим ута бошлайди.

Рости, илгари шаҳар «дом»ларида осойишталикни милиция ходимлари, қўнгилли дружиначилар тартибга солиб турарди. Бировнинг биров билан иши бўлмасди.

Мана икки йилдири Қавоий шаҳрида ҳам маҳалла деган табаррук калом тилга олинмайдиган бўлиб қолди.

Байналмилал халқимиз уни иштиёқ билан қутиб олишди. Ҳатто ўзаро муносабатлар тилида «маҳалла» ёки «маҳалла комитети» деганда дарров муборак макон тушунилади.

Шаҳардаги «Дустлик» деб номланувчи 19-маҳалланинг ташкил этилганига эндигина икки йил тўлимоқда. Айни пайтда маҳалла ҳудудида 5,5 минг аҳоли истиқомат қилади. Демакки, бу маҳаллада шунча муаммо, ташвиш ва шунча қувонч яшайди. Маҳалла қўмитаси 16 нафар уй комитети раислари ва шунча нафар маслаҳатчилар билан ҳамкорликда иш олиб боради. Бугун маҳалланинг 50 нафар вакили ҳам бор. Гарчи шундай бўлса-да, маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулбаҳор Собированинг ташвишлари қамайган эмас.

— Ҳозир олдимизда турган энг муҳим масалалардан бири кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласидир, — дейди Гулбаҳор Собиров, — Республика Президентининг фармонида қўра маҳалламиз бўйича кам таъминланган кишиларнинг 140 нафари ёрдам пули олаётти. Биз бу йўналишдаги фаолиятимизни қатор ҳомий ташкилотлар ёрдамида давом эттирялмиш.

Айни пайтда раис маҳаллада ўсмирлар клуби, тўй ўтказиш учун майдонча-



лар ташкил этиш ташвишлари билан юрибди.

— Кейинги пайтларда маҳалла қўмитасининг илм даргоҳимиз билан алоқаси янада мустаҳкамланиб бораётти, — дейди Мўқимий номли 8-мактаб директори Гавҳар Қиличева. — Биз маҳалла фаоллари билан «Оила-маҳалла-мактаб» дастурини ишлаб чиқдик. Агар шу дастурни биргаликда амалга оширсак бола тарбияси учун мактаб ҳам, оила ҳам, маҳалла ҳам бир хил жавобгарлик сезади. Худди шундай ота-оналар ҳам маҳалла ва мактаб олдида масъулиятларини сеза бошлайдилар. Мактабимизда таълим олаётган 1200 ўқувчининг эртанги тақдири бевосита, маҳалла билан боғлиқ бўлади. Қисқаси, мактаб ҳам, оила ҳам, маҳалла ҳам келажаги буюк давлатни барпо этишга баб-баравар ўзларини сафарбар деб билишлари керак.

Кичик бир оиланинг ўзи ҳар қанча олам ташвиш билан яшайди. Маҳалла ҳудудидagi юзлаб хонадонларнинг минглаб ташвиш ва қувончлари Гулбаҳор Собировани ҳам четлаб ўтмайди. Унинг «штаб-квартираси»да узлуксиз қўнғироқ жаранглаб туради. Демак, кимдир маҳалладан мадад сўрамоқчи ва яна кимдир қувончларини баҳам қўрмоқчи.

Маҳалла ҳам кичик бир мамлакат. Ирмоқлар қўшилган жойларда дарёлар пайдо бўлади. Маҳаллалар эса Ватанимизнинг уриб турган қон томирлари.

Махмуд МАРДИЕВ

Муассислар фаолиятинан

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

27-28 сентябр кунлари Тошкентда «Хусусий соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш истиқболлари ва унинг оилани режалаштиришдаги иштироки» масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Ушбу кенгаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика врачлар ассоциацияси, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси ҳамда Фьючерс (АҚШ) ғуруҳи томонидан уюштирилди.

Семинарда республикамизнинг кўзга қўринган олимлари, хорижий мутахассислар ҳамда турли фирмаларнинг вакиллари маъруза қилдилар.

Кенгашда оилани режалаштириш ҳамда соғлиқни сақлаш хизматини янада такомиллаштиришга бағишланган қимматли маслаҳатлар, тақлиф ва истаклар билдирилди.

Д. РАҲИМБЕРДИЕВА

ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

ларига топширишга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда Бош Вазир уринбосари Д. М. Ғуломов, соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов, халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, ижтимоий таъминот вазири Б. Умрзоқов ва бошқа расмий кишилар иштирок этишди.

Йиғилишни «Соғлом авлод учун» жамғармасининг раисаси Г. Йўлдошева кириш сўзи билан очди. Сўзга чиққанлар жамғарма фаолиятининг бугунги кунда янада кенгаётганини қувонч билан таъкидлашди. «Карл Цейсс Йена» фирмасининг вакили Лотар Умланд эса ўз сўзида бундай ҳамкорликларнинг ҳали давом этишини айтиб ўтди.

Анжуман ниятида иштирокчиларга катта концерт қўйиб берилди.

Жамғарма шаҳар марказидан узоқда жойлашган ҳудудлар, қишлоқ, посёлкалар-

да тез ёрдам хизматини кўрсатувчи «Амбуланс»ларда ишлайдиган 69 та мутахассисни 26-30 сентябр оралиғида ўқитиб, тайёрлади. Ва курс ниятида мутахассисларга сертификатлар топширилди.

Энди «Амбуланс» машиналарининг техник жиҳатлари ҳақида ҳам тўхталсак. «Мерседес Бенс ТУР 308 ДКА» русумли бу машина дизел ёнғилғиси билан ишлайди. Ичида кондиционер, печка, электр энергияси ишлаб чиқарувчи генератор, электрокардиограмма ва бошқа медицина жиҳозлари мавжуд. Профилактика ва даволашга мўлжалланган бундай «Амбуланс»ларнинг дёғиримизда иш бошлаши жудаям қувончли ҳол. Чунки собиқ Иттифок бўйича ҳали ҳеч қаерда бунақанги «қўшма амбулатория»лар йўқ. Халқ саломатлиги йўлида, оналик ва болаларни муҳофаза қилиш йўлида сафарбар этилган бу машиналар юртимиз истиқболли учун хизмат қилиши шубҳасиздир.



Онасининг сандикларин тўлдирар,
Отасининг армонларин ўлдирар...
Тойчоқ бўлиб чопиб юрган тўй бола.

Бир йил муқаддам «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси Германиянинг «Карл Цейсс Йена» фирмаси билан шартнома имзолаганди. Ушбу шартномага мувофиқ бу фирма жамғармага 15 та «Амбуланс» машиналари етказиб бериши лозим эди.

28 сентябрь кунли Туркистон маданият саройида жамғармага олиб келинган бу машиналарни вилоят бўлини-

Сифатсиз ва савияси паст назмий ёки насрий асарлар матбуот юзини қуриши жуда қийин. Қандай шеър ёки ҳикоя бўлишидан қатъий назар, то ойнома ва рўзномалар юзини кургунича минглаб чиғирқидан ўтади, бу табиий ва меъёрий ҳол. Шундай йўллар билан матбуотимиз фидойилари халқни маънавий қашшоқланиб қолишини олдини оладилар. Бундай қатъий танлаш миллатимиз ва давлатимиз руҳиятига, манфаатига мос келадиган нодир асарларнинг дунёга келишига омил бўлади. Аммо ҳолисона айтсак, ҳамма жабҳаларда ҳам қандай?

Яқинда 91-автосбуса чиқишга турги келиб қолди. Садаган кетай, Юнусободдан то Хадрагача 20 дақиқалар чамаси юрган бўлсак, шунча мuddат битта қўшиқни эшитиб кетишга мажбур бўлдим. У қанақа дегн, мана эшитинг:

**Лўли, лўли, ҳай лўли
Бунча ҳуснинг чиройли.
Лўли десам қарамайсан,
Менга назаринг солмайсан.
Лўли, лўли, ҳай лўли,
Бунча ҳуснинг чиройли.**

Айюҳаннос шу тариқа давом этади (қўшиқ дейишга ҳам тилинг бормайди). Ҳайдовчи эса магнитофонидан таралаётган бу овозга монанд ўтирган жойида иргишлар эди. Ниҳоят Хадрага етганимизда зиёлинома бир кишининг сабри тугади шекилли, ҳайдовчига «Уғлим, шунингги овозини ўчирсанг бўлармиди» — деди.

Қўшиқнинг мусиқаси ҳам аллақайси хинд кинофильмидан ўгирланган бўлиб, матн мазмунининг бетутуруқлигини босиб кетолмас эди. «Астағфурullo!», — дедим автосбусдан тушиб. «Бу антиқа санъат асарининг шоири ва бастакори ким экан? Ижроҳис-чи?»

Ёҳуд, ақинда бир никоҳ туйига йўлимиз тушиб қолди. Яхши кайфият билан даврада утирибмиз.

Кўзгудаги ўзимиз

ШУШУРУҚСИЗ ХОНИЧЛАР

Санъаткорлар бир машина лаш-пушларини кўтариб ўртага чиқишди. Улар 4-5 нафар ёш йигитлар бўлиб, уйинчиси юз-кўзлари тугул, бўйнигача бўяниб олган сатангнамо бир аёл экан. Ниҳоят хониш бошланди:

**Мени севгин севгилим,
Ўзгага кўз ташлама.
Ўзгага юз ташлама.
Мени севгин севгилим.**

Санъаткорнинг усталигини қарангки, бор-йўғи тўртта жумлани 15 дақиқага етадиган қўшиқ қилибди. «Офарин!» — деб юбордим, оғзимдаги томоғимга тикилиб.

Навбатдаги қарийб 10 дақиқалик хониш:

**Гулмира, Гулмира
Кўзинг бунча чиройли,
Юзинг бунча чиройли,
Гулмира, Гулмира.**

Учинчи қўшиқда айнан шу тахлитдаги жумлалар Гулмирага эмас, Ферузaxonга бағишланган эди. Даврада эса сатангнамо аёлга қўшилиб, шайтоннинг сувидан жиндек уриб олган йигитчалар «зикр» тутишар эди. Кечада ўтирган ёш-яланларга қараб ниҳоятда ачиноиб кетдим, ахир улар шу субутсиз нарсаларни санъат, деб қабул қилишди-да. Бечоралар, қанчалик маънавий қашшоқланишга маҳкум бўлмоқдалар. Йўқ, ортиқча чиқолмадим, секин узримни айтиб даврани тарк этдим.

Биз-ку, миллатимиз жонқуярлари, санъатимиз фидойилари Комилжон Отаиёзов, Олмадон Ҳайитова, Фахриддин Умаров, Фаттоҳон Мамадалиев, Шерали Жўраев, Муножот Йўлчиева каби ҳақиқий санъаткорларнинг қўшиқларини тинглаб улгайдик,

шаклландик, аммо бола-чақаларимизда нима айб. Тан олиб айтиш керакки, ойнаи-жаҳон орқали бутун давлатимиз аҳолисига тақдим этиб борилган «Анор» курик танловида ҳам юқоридаги тахлит сохта санъаткорлар чиқиб қолганликлари сир эмас. Улардан ташқари репертуарлари жиҳатидан қўйиб қўйгандек бир-бирига ўхшаш, саёз ва субутсиз жумлаларни ҳинд, озарбойжон, эрон, турк, араб мусиқаларини ўгирлаб, зўрма-зўраки қўшиқлар яратадиган гуруҳлар ёмғирдан кейинги қўзиқоринлардек урчиб кетганига нима дейсиз?

Кассетафурушларнинг дуконига яқинлашсангиз янада антиқароқ бўлган санъат асарлари қулогингизга чалинади. Иқтидорли ўрис хонандаси Алла Пугачёва 70-80-йиллар ижро этган қўшиқларнинг мусиқалари ўгирланиб, ўзбекча алмои-жалмои жумлалар ёпиштирилиб, қўшиқ мақомида сотилаётганлари ҳам бор, у ерда. Ёҳуд Аҳмад Зойирнинг ҳазин мусиқаларига байрамонга гаплар тикиш-

тирилиб қўшиқ қилиб айтилганига ўлай дейсизми? Ахир бу бориб турган плагиатлик-ўғирлик-ку? Бу бировларнинг асарларини ўзлаштиришдан бўлак ҳеч нарса эмас. Муаммонинг юридик-ҳуқуқий жиҳатлари ҳам бор-ку ахир.

Наҳотки, мוזийдаги санъатини бутун жаҳон тан олган Мухаммадхон Мирзаев, Ганижон Тошматов, Абдуҳошим Исмоиловдек улуг бастакорларни яратган, минглаб олтин овоз соҳибларига эга бўлган халқимизнинг куни шунга қолган бўлса! Наҳотки, буюк давлатимизнинг келажиги бўлган зурриёдларимизга биз миллатидан беғоналашиб кетган маза-матрасиз нарсаларни санъат сифатида қолдирсак.

Шу элнинг оддий бир фуқароси ва ҳақиқий санъатнинг шайдоси сифатида истар эдимки, қаерда айтилишидан қатъий назар, ҳар қандай қўшиқ, хониш қатъий назоратдан ўтказилиб, ҳар томонлама мукамаллиги эътироф этилганидан кейингина халққа тақдим этилса. Фақат шундай қатъий чоралар билангина келажак ва бугунги авлодларимизни маънавий қашшоқланиб қолишдек улкан фалокатдан асраб қоламиз. Бу соҳада мусиқа ва қўшиқшуносларимизнинг фикри қандай?

Алижон ЗОҲИДИЙ

Оила сабоқлари

ҲЕЧ КИМ ТИРНОҚҚА ЗОР БЎЛАМАСИН

Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб, деганларидек, каминга ҳам ўзбекистонда хизмат қўсатган шифокор, тиббиёт фанлари номзоди, уролог-андролог Файзулла Аҳмедович БОЙАХМЕДОВдан даво топанлардан. Дом-ланинг олдида кунига кўплаб беморлар нажотталаб бўлиб келади. Қувончли томони шундаки, унинг хузурига келадиган беморларнинг жуда кўпи дардига шифо топиб, фарзандли бўлишмоқда...

— Файзулла ака сиз ишлаётган масканда асосан бефарзанд эркак ва аёллар даволанишади. Айтинг-чи, даволаш муолажаларини қандай мутахассислар олиб боради?

— Дарҳақиқат, Республика акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти бефарзанд эркак ва аёлларга тиббий ёрдам кўрсатадиган даргоҳлардан бири бўлиб, у бир қанча бўлимлардан ташкил толган. Бу ерда энг янги тиббий жиҳозлар билан таъминланган даволаш хоналари, дорихона фаолият кўрсатмоқда. Институтиимиз иш жараёнининг яхши бўлишида шу маскан директори, медицина фанлари доктори, профессор Дамин Асадовнинг ҳиссалари катта. Бевосита мен ишлаётган «Оила ва турмуш» бўлимида эса уролог-андролог, гинеколог, сексопатолог, генетик ҳамимлар беморларга тиббий ёрдам кўрсатмоқда.

— Бефарзанд эркакларда учрайдиган хасталикларнинг олдини олиш учун нималар қилиш керак?

— Биласизми, ҳар кун шашан ўзим 20—30 нафар эркак беморларни қабул қиламан. Очиги, жуда кўплари ҳақиқатан ҳам тиббий

ёрдамга муҳтож. Уларда учрайдиган жинсий камчиликларнинг пайдо бўлишига асосан узлари айбдор. Ҳозирги вақтда бефарзанд эркакларда криптоорхизм касаллиги, яъни тугма тухум тушмай қорин бўшлиғида қолиб кетиш ҳоллари кўп учрайди. Бу ҳолат ёш болаларда ҳам бўлади. Угли шу касаллик билан огриган ота-оналар фарзандлари 14—15 ёшга тулгунларича шифокорларга қўрсатилари ва даволатишлари шарт. Агар тухум дори-дармон билан тухумдонга тушмаса, микрохирургик операция қилинади. Эркакларда учрайдиган хасталиклардан яна бири тухум мюягининг жараҳатланиши, уруғ утиш йўлининг бекилиши натижасида содир бўлади. Сўний тарзда уруғ тушириш тухум йўлининг бекилишига олиб келади. Бундан ташқари аёллар билан бетартиб жинсий алоқа қилиш, тозаланик ҳам бефарзандликка сабаб бўлади. Қайд этилган хасталикларнинг кучайишига беморнинг спиртли ичимликларни кўп истеъмол қилиши, наша, кукор чекиши ҳам салбий таъсир кўрсатади.

— Ҳозирги вақтда никоҳ бирмунча ёшариб бораётгандай. Ота-оналар кўпинча 16 ёшга тулган қизларни турмушга беришяпти. Йигитлар эса 17—18 ёшда ҳам ўйланмоқдалар. Эр-хотинларнинг бефарзанд бўлиб қолишида шу жараёнининг ҳам таъсири бор эмасмикин?

— Тажрибадан маълумки, усмир йигит 15—16 ёшда балогатга етади. Шу ёшда у ҳар томонлама бақувват, жинсий томондан ҳам эр киши бўлиб етишади. Қизлар ҳам шу ёшда жисмоний ва жинсий томондан етилган эса-да, бирок ёшлиқдан бири дуркун, бақувват ўсган бўлади, айримлари эса аксинча. Шу боис қизларни 16 ёшдан турмушга бериш ҳақида ҳар томонлама ўйлаб кўриш керак. Ундан кўра, ёшларга ҳали усмирлик давридаёқ маданий-маърифий тарбия билан бирга жинсий тарбиядан ҳам сабоқ бериш лозим.

— Ёшларга қандай тилаклар айтасиз?

— Ниятим ҳамма келин-куёвлар фарзанд қўришин. Худойим ҳеч кимни тирноққа зор қилмасин.

Абкар ЙЎЛДОШЕВ суҳбатлашди

Халқ табобати

БОДНИ АСАЛАРИГА ЧАҚТИРИБ ДАВОЛАШ МУМКИН

Қадим халқ табобатидан маълумки, одамлар ҳар хил касалликларга чалинмаслик учун йилига бир марта узларини заҳарли ҳашаротларга чақтириб туришган. Бундай амал организмни касалликка чакрувчи микроблардан тозалашга ва қарши куч ишлаб чиқади. Масалан, жуда қадимдан рус табиблари бод касаллигини асалари чақиши билан даволаб келганлар. Бундай амални қўллаш жуда оддий. Асалари гулларга ёки бирор ўсимликка кўниб турганда эҳтиёткорлик билан ушланиб, қанотларидан ушлаган ҳолда баднинг азият чекаётган жойига қўйиб қўйилади. Ари эса ўша заҳотийқ қақишга улгуради. Навбатдаги арига чақтириш эса бир суткадан сўнг аввалги чақтирилган жойдан 4-8 см нарироқдан бўлади. Бемор ўзини яхши сезса, биринчи кун битта, эртасига иккита, индинига учта, шу йўсинда бешта бўлгунча чақтирилади. Шундан сўнг беморга бир-икки кун дам берилгач, асалари билан даволаш бештадан битагача қайта чақтириш билан тугалланади. Иккита даволаш курси тугагандан сўнг, лозим қўрилса беморга икки ҳафта дам берилгач, учинчи бор даволаш курси қўллаш мумкин. Бирок бундай, учинчи бор даволаниш жуда кам учрайди.

Эслатма: маълумки табнатда ариларнинг тури жуда кўп бўлиб, яъни сариқ ари, қовоқ ари, тукли ари, қизил арилар мавжуд. Биз учун фойдалиси асаларидир.

ЗУЛУКЛАР ЁРДАМИДА ҚОН ОЛДИРИШ

Жуда қадимдан табиблар киши танида қон кўпайиб кетганда ёки қон сифати бузилганда қон олиш йўли билан даволашлар.

Албатта, бу амални шифокор табиб амалга оширади. Зулуқлар билан қон олдиришни афзаллиги шундаки, зулуқлар ништардан кўра чўқурроқ ердан энг куюқ қонни тортадилар.

Темиртки, сепкил, ички аъзолар ишганда, тез-тез кўз огриганда, ой қуриши узилиб қолган аёллар, иссиқ мижозли кишилар айна баҳор фаслида зулуқлар ёрдамида қон олдириша, ижобий натижа беради.

Лекин барча зулуқлардан ҳам фойдаланиб бўлмайди. Баъзиларнинг заҳри бор. Каттабош сурмаранг, қорамтир тукли, илонбалиққа ўхшаш устларида зангори йўллар бор зулуқлар заҳарли, бу зулуқлардан фойдаланиб бўлмайди. Устида қўрбақаут пайдо бўлган ва қўрбақалар макони бўлган сувлардан тутилган кўк рангли ва устларида зар рангли икки чизиқ тортилган зулуқлар яхши.

Зулуқ ишлатишдан бир кун бурун тутилиб чўққ сувга солиб қўйилади. Зулуқ солинадиган жойга тупроқ ёки қон суриш зулуқни тишлашга қизиқтиради.

Зулуқ қон суриб тулгандан сўнг уни тушириш учун устига бироз туз ё кул, куйдирилган юнг сочилади. Зулуқ тушгандан сўнг, зулуқ солинган жойнинг қонидан қортиқ билан бироз суриб олинади. Шунда зулуқ тишларининг заҳри чиқиб кетади.

ДИЛБАР тайёрлади



(Давоми. Боши ўтган сонларда.)

XVII

Лондон, 1747 йил, 21 сентябр
ЖОНДАН АЗИЗ БОЛАЖОНИМ!

Сунити почтадан мактубингни олдим, Эйзиделл погчиларининг ўз черковлари турисидан айтган турли хурофот ва биъатларидан хайратланганингга ажабланмайман. Фақат бир нарсани едингга тут: дунёқарашлари нотўғри, янглиш одамлар устидан кулмаслик керак. Бундай кишилар жазога эмас, раҳм-шафқатга лойиқдирлар. Ақли оқиз кишилар сўқирдай гап. Хар иккиси йўлдан адашган тақдирларидан ҳам айбга буюрмайдилар. Бу бечораларни тақдирламасдан, турги йўлга солмоқ савобдир. Хар кимнинг ўзига яраша ақлу идроки бор ва хар ким ўз таваққури доирасида мулоҳаза юрताди. Хамма адолат ахтарилади, аммо ким Ҳаққа етишишни елгиз Яратганга аён. Шу боисдан ўз муҳитида шаклланган тушунчасига яраша хулоса чиқарадиган одамларнинг устидан кулиш, тақдирлаш адолатдан эмас.

Елгонга дилдан, самимий ишонган одам айбдор эмас, онгли равишда, кура-била туриб елгон гапиралган одамлар айбдордир. Елгондан кура қабиҳроқ, жирканчроқ нарса йўқ. Елгон — ҳусумат, адоват, қурқоқлиғи манфурлик, сохта шухратпарастлиги манманлик куроли. Елгон хаммаша гаврали мафлаатларга хизмат қилади.

Хар қандай елгон эртани-кечми барибир очилади. Агар мен шахсий адоватини тугайли бирор кимсанинг обрусини тушириш ёки юқори лавозимга кўтарилишига йўл қўймаслик учун бўҳтон ишлатсам, вақтинча унга зиён келтиришим мумкин. Лекин ишончим комилки, охири-оқибатда бундан кўпроқ ўзим азият чекам. Зотан, барибир елгон ошкор бўлади ва одамлар тубанлигим учун мендан нафратлана бошлайдилар. Кейин эса уша одамнинг ҳақиқий қўсурларини фойш қилган тақдиримда ҳам мен кўпчилик олдига тақматчига айлиниб қолавераман. Елгонни яшириш ва шармандаликдан қочиш ниятда тагин алдай бошласам, ўзимни дарҳол фойш этиб қўяман ва умримнинг охиригача одамлар назарида энг тубан ва разил кимса бўлиб қолам.

Қўрқув хаммаша фалокат келтирди. Агар инсон беҳосдан бирор хунук иш қилиб қўйса, энг маъқули, айбини тургидан турги бўйинга олиб, кечирим сўрагани маъқул. Ноқулай вазиятдан, шармандаликдан қутулиш мақсадида елгон сўзлаш, турли важу карсонлар, баҳонаю сабаблар ахтаришга интилан киши чексиз нафратла лойикдир.

Елгоннинг яна бир куриниши бор. Бир қарашда у жуда безарзасдек туюлади. Мен сохта шухратпарастлик ва манманликка хизмат қиладиган аждоқларни назарда тутаетирман. Аждоқлар қўзланган мақсадни яққол фойш этиб қўяди. Ўзини ўзи қук-

ларга қўтариб мақташга қаратилган елгон-яхши ҳикоялар, хотиралар ана шулар сира-сидандир. Елгончининг ҳикояларида бош қахрамон хаммаша ўзи, у ҳеч кимнинг қўлидан келмаган жасоратлар ва буюк ишларни амалга оширади. Ҳеч кимса қўрмаган қийинчиликларни мардонавор енгади ва ҳоказо. Бу елгонлар тез орада фойш этилиб, мақташ-чок шармандаю шармисор бўлади. Бас, шулай экан, умринг бўйи фақат ҳақиқатни, турги сўзликни маҳкам тут, бу ор-номусинг ва виждонингни топталишдан сақлайди. Қий-қизил аҳмоқлар елгонни эшиб ташлашлари сенга ҳам маълум. Одамларни қўзатсанг бунга яна бир қарра амин бўласан. Шахсан ўзим инсоннинг тургисўзликка қараб ақлнинг даражасини белгилайман.

Ушбу мактуб Лейпцигга қўлингга тегса керак. Дикқат-этиборли, саранжом-сарипта булшингни истайман. Ханузгача бунга эриша олмадинг. Езда учрашганимизда сени синчиқлаб урганаман ва имконияту фурсат бўла туриб халос бўлолмаган нўқсонларингни топсам қаттиқ ранжийман. Едингга тут, Лейпцигга мистер Хартдан ташқари сени анча-мунча қўзлар қўзатиб юрди.

Хайр.

XVIII

Лондон, 1747 йил, 9 октябр
ЖОНДАН АЗИЗ БОЛАЖОНИМ!

Сенинг ешинггаги усмирлар жуда содда-дил бўладилар ва улар устомон одамлар томонидан осонгина алданишади. Биронта

ди, жанжалу туполонларда е голиб, е мағлуб томонда туриб курашишди. Улар бир-бирларига ўзларининг барча сиру асрорларини, баъзан эса ундан ҳам кўпроқ нарсаларни айтишди, ораларидан қил ўтмайди. Аммо қўтилмаганда улар арзимаган сабаб билан ажрашиб, шу фурсатдан бошлаб бир-бирлари ҳақида ҳеч қачон ўйламай қўядилар.

Ҳақиқий дўстлик билан ўтқинчи ҳамдардлик ўртасида жуда катта фарқ бор. Яхши ва дилкаш биродар баъзан номуносиб ва хавфли ҳамроҳ бўлиши мумкин. Бундай ҳоллар ҳаётда кўп учрайди.

Одамлар дўстларингга қараб сен ҳақингда ҳукм чиқарадилар. Испаниларда: «Дўстларинг кимлигини айт, мен сенинг кимлигингни айтман», деган ажойиб мақол бор. Дарҳақиқат, фарибгар ёки тентак билан дўстлашган одам тургисида қандай қилиб яхши фикр айтиш мумкин. Шу боисдан ҳам аҳмоқлар ва муттаҳамлар билан дўстлашиб қоллишдан сақлан. Бу билан уларни ҳеч бир сабабсиз душманингга айлантиригин, демоқчи эмасман. Унутма, аҳмоқлар ҳам, фарибгарлар ҳам жуда кўп. Мен улар билан иттифоқ тузиш ёки душманлик қилишдан қўра, халис муносабатда булишни маъқул қўрадим. Сен уларнинг биронтасига душман эмассан, фақат бетайин қилиқлар, ножўя хатти-ҳаракатларидан нафратлан-



роиларда маълум имтиёзларга эга, бошқаларга қараганда кўпроқ ўйин-кулгуга мойил олий табақа вакилларидан, иккинчиси эса алоҳида хизматлари бор ёки илм-фанда шухрат қозонган кишилардан ташкил топади. Чунончи, мен файласуф ва езувчи мистер Аддисон ва мистер Попп билан ҳамсуҳбат бўлганимда, ўзимни худди бутун Европа ҳукмдорлари билан бирга ўтиргандек ҳис этардим.

Тубан ва бадахлоқ одамлар тудасига асло яқинлашма. Улар сен билан бирга бўлиш, суҳбатлашиш учун ҳар қандай илжисдикларинг, қўпол ҳазилларингга ҳам бемалол чидайдилар. Баъзилар нуфузли давраларда ўзларининг ҳўрмати борлиги билан мақданишни ҳўш қўришди. Бу одамни алдайитган ўта беъмаъни ва аҳмоқона иллатдир.

Балки сен: одам ҳар доим ҳам яхши давраларга қўшилиш имкониятига эгами, деб сўрамоқчиёрсан. Ишонтириб айтманки, инсон хаммаша бундай имкониятга эга, фақат бунга сазовор бўлиш керак, ҳолос. Албатта, бунинг учун жентелменча ҳаёт кечирришга старли маблаг ҳам зарур. Яхши тарбия курган, иктидорли ва муносиб одам ҳар қарерда ҳам обрў-этиборга қўзона олади. У билими қўқурлиги боис нуфузли давраларга қиради, ҳўшмуомалалиги билан эса бундай давраларнинг севимли аъзосига айланади. Илгари таъкидлаганимдек, ҳўшмуомалалик, ширинсуханлик қадр-қиммат ва истейлодга шўқуш бағишлаб туради. Уларсиз ҳар қандай қадр-қиммат старлича қўзга ташланмайди. Уларсиз олим — расмиятчиға, файласуф — маҳмадонаға, ҳарбий киши — қўпол тўнгиғза ўхшаб қўринадик, одамлар бундайларнинг ҳар учови билан учрашудан ўзларини олиб қочадилар. (...)

(Давоми бор)



муттаҳам ёки мутўмбир «сизнинг дўстингизман» деса бас, улар бу гапга чин дилдан ишонадилар ва дўстликка самимий, вафодор бўлишга интиладилар. Охири-оқибатда ана шу соддадиллик уларга хийла қимматга тушади. Одамлар ичига қираркансан, сенга дўстлигини тақлиф қилаётганлардан жуда эҳтиёт бўл. Улар билан ҳўшмуомала бўлгину, аммо бутқул ишонишга шўшилма, яхши-лаб сынаб қўр. Одамлар бир қўрипладек ёки биринчи танишувладек мени ёқтириб қоладилар, деган сохта манманликка берилма. Ҳақиқий дўстлик қўпгина синовлардан сўнг, аста-секин юзага келади.

Турги, дўстлик деб аталмиш яна бир муносабат бор. У ешларни вақтинча бир-бирига яқинлаштиради. Бундай тезшира дўстлик одатда маишатбозлик, кайфу сафайида тугилади. Бунд дўстлик эмас, аниқроғи, ахлоқ ва одобга қарши фитна, дейиш мумкин. Бундай дўстлар беъмаъни ишларга сарфлаш учун бир-бирларига қарз бериша-

сан, ҳолос. Бундай одамларга рақиблик қилиш улар билан дўстлашишдек хавфлидир. Уларнинг ҳаммаси ва ҳар бири билан эҳтиёт-корона муомалада бўл. Баъзилар ичимдагини топ қабилида миқ этмай юрди, баъзилар эса учраган кимсга дарду ҳасратини тўкиб солаверди. Муомаланинг энг мақбул меъёрини топиш лозим.

Дўст танилашдан сўнг давра танилаш навбати келади. Хаммаша ўзингдан устун бўлган одамлар ичиди юришга ҳаракат қилиш. Бу сени юқори поғонага қўтаради, ўзингдан паст одамлар билан мулоқот қилиш эса тубанликка тортади. Қандай давралда бўлсан, шу давра аъзоси сифатида таниласан. Ўзингдан юқори эътиборга эга одамлар билан бўл, деганимда уларнинг насл-насабларини назарда тутаетиман йўқ. Инсоннинг келиб чиқиши заррача аҳамиятга эга эмас. Мен одамларнинг қадр-қиммати ва обрў-этиборини назарда тутмоқдаман.

Яхши давралар икки хил бўлади: бири са-

Маслаҳатлар

ОНА СУТИГА
ТЕНГЛАША ОЛАДИ

Хамма усимликларнинг ҳам барги яшил бўлади, аммо сабзи шу яшил барглар ичиди ўзига хосдир. Чунончи, қўз китоб ўқишдан толиққан бўлса ва хиралаша бошласа, сабзи баргига тикилиб ўтирсангиз равшанлашади.

Сояғулдошлар оиласига мансуб бу усимликиннинг ватани Волга дарёсидан тортиб Урта денгиз қирғоқларигача кенг майдон бўлган. Мана энди бу усимликиннинг юздан ортиқ нави дунёнинг деярли барча мамлакатларида етиштирилади.

Халқимиз сабини паловнинг жони дейишда, албатта жон бор. Унинг химиявий таркибида урта ҳисобда 9-10% шакар моддаси, 1% гача ҳўжайра моддаси, 1-1,5% гача азотли моддалар, бир мунча минерал моддалар ҳам мавжуд. Сабзида А витамини 7%гача, В — 0,07% гача, РР эса 0,2% гача ва анчагина С витамини ҳам бор.

Қизил рангли сабзи шакар, азотли модда (оқсил), А витамини, тўқ сариқ сабзида эса минерал моддалар, С ва В витаминлари кўпроқ

бўлади.

Сабзининг хусусияти ҳақида Абу Али ибн Сино шундай дейди: «Сабзи — ер қўки. Ҳиди ва чайнами ёқимлидир. Боғларда усадиган Рим петрушкасига ўхшайди. Ундан тайёрланган мураббонинг ҳазми енгилдир. Истикфо хасталигига (сўв чечакка) фойда қилади. Ёввойи сабзининг уруги ичак оғриқларини босади...»

Халқ табобатида сабзидан анчагина касалликларни даволашда фойдаланиб келинади. Чунончи, ёғлиқ гўшт билан қайнатилган сабзи юрак-қон-томир ва ошқозон-ичак касалликларида парҳез қилинади. Сабзи мураббоси сариқ касали ҳамда жигар ва буйрак хасталигига дори бўлади. Сабзи шарбати дармонсизланиш ва камқонликда қўлланилади.

Франциялик олим В. Вильмореннинг фикрича, сабзи таркибида ҳали урганилмаган моддалар ҳам бор экан. Ўзоқ текширувлардан сўнг сабзидаги барча мавжуд моддалар она сутти таркибига тенглаша олади деган хулосага келади олим.

Б. ЭНАЗАРОВ

ЎГИТ

БЕШ ТАБИБ

Ибн Сино кунлардан бир кунни қаттиқ бетоб бўлиб қўлдириб кетаяпман. Шу курпа-тушак қилиб ётиб олибди. Дўст ва биродарлари унга яхши сўзлар айтиб қўнглини қўтарса, шоғирдлари ўз устозини турли хил дори-дармонлар билан даволашга киришибди. Ибн Сино уларга қўздан-қўп раҳматлар айтиб шундай дебди:

— Эй, шоғирдларим, менинг куним битган қўринади. Даволайман деб беҳудага уринманглар. Вафот этсам, йиғи-сиғи, оҳ-воҳ қилиб ўтирманглар. Фақат ҳақимга дуо қилиб, онда-сонда қабримни зиёрат қилиб турсанглар бас. Ва яна устоз оламдан ўтди, энди табобат оқсайди, деб қайғурманглар ҳам. Мен

урнимга бешта зўр табиб қолдириб кетаяпман. Шу табибларнинг маслаҳатига доимо амал қилинглар. Бошқаларни ҳам бунга даъват этинглар.

— Устоз, сиз айтган беш табиб кимлар? — сўрабди шоғирдлари.

— Уларнинг бири — тозаллик, иккинчиси — парҳез, учинчиси — бадантарбия, туртинчиси — мижоз ва бешинчиси — кайфиятдир. Доимо покиза, озода бўлиш-лик, қўринган овқатни ея-вермаслик, ичкиликка ружу қўймаслик, бадан аъзолари-ни ҳаракатсиз қолдирмас-лик, мижозни унутмаслик ва ниҳоят кайфият яхши тугтилса, касалланиш уёқда турсин, бевақт ўлим ҳам орқага чекинади.



Сурат 1981 йилда олинган

Амиржон Зоиров 1910 йилда Тошкентда туғилган. Иккинчи жаҳон урушининг бошидан охиригача иштирок этган. Урушдан қайтган 25 йил ўрта мактабда дарс бериб, минглаб шогирдлар етиштирган. Турмуш ўртоғи Ҳакима ая билан тўрт ўғил, бир қизни тарбиялаб воёга етказган.

— Айниқса, урушдан кейинги йилларда жуда қийналардик, — дейди Ҳакима ая. — 60 сўм маош олардилар, мен бошқа ишга ўтинг деб қистардим. Ўз ишини азбаройи яхши қурганидан ташлаб кетмади, нафақага чиқунга қадар маориф соҳасида ишлади, раҳматли.

...Ҳамиджон Зоиров Амиржон отанинг тўнғич ўғли. 1947 йилда туғилган. Савдо техникумини битириб, 1974 йилдан буён савдо соҳасида ишлайди. 1995

ОТА НОМИН ДИЛДА ЖО ЭТИБ

йилнинг феврал ойидан «Амиржон» хусусий корхонаси бошлиғи. Уйланган. Уч қиз, икки ўғилнинг отаси.

— Хусусий корхона очиш фикри қачон туғилган эди?

— Тўғриси айтсам, хусусий мулкчи бўлиш етти уҳлаб тушимга ҳам кирган эмасди. Ҳозир савдо-сотик қилаётган маъна шу «Амиржон» дўконидан олдин сотувчи бўлиб ишлардим. Ўша пайтлари устозим Раҳим ака Муҳаммадалиев «Худо хоҳласа шу дўкон сеники...» — деб айтардилар. Фаришталар «Омин» деган экан шеклилли...

— Дўконни раҳматли отангизнинг исми билан атабсиз...

— Бизни тарбиялаб, воёга етказган ота-онамиздан бир умр қарздормиз.

...Биласизми, ҳар куни дадам тепамда туриб ишларимни кузатаётгандай бўлади ҳаёлимда. Акаларим, қариндош-уруғлар дўконга келса, унинг дадам исми билан аталаётганини қўриб, хурсанд бўлиб, дуою фотиҳа қилиб, ишларимга ривож тилаб кетишади.

— Баъзилар бирор ишни бошлашдан олдин ундан тушадиғон фойдани, қандай йул билан бўлса ҳам бойлик орттиришни кузлашади. Сиз-чи? Қолаверса... иккиланган пайтларингиз ҳам бўлганми?

— Дадам раҳматли бизга ҳаром лўкма едирмаганлар... Топганимиз етиб турибди, бировдан ортиқ, бировдан кам дегайди.

Иккиланиш... Бошида иккиланардим.



Шундай пайтларда устозим, «Ҳамза» ишлаб чиқариш акционерлик жамияти раиси Қодир Раҳимжонов ҳамisha далда берар, қимматли маслаҳатларини аямасди. Ҳозир ҳам иш юзасидан у кишига тез-тез мурожаат қилиб тураман.

— Дўконда қандай маҳсулотлар билан савдо-сотик қиласизлар?

— Ун, гўшт комбинатлари, нон заводидан ва «Ҳамза» ишлаб чиқариш акционерлик жамиятидан 9 хил озиқ-овқат маҳсулотларини шартнома бўйича олиб келиб, сотувга чиқараямиз...

— Келгуси режаларингиз қандай?

— Корхонани кенгайтириш, имкон туғилганда яна битта дўкон очиш нияти-дамиз.

— Орзуларингиз?

— Буваимиз хорижий мамлакатларга бориб савдогарчилик қилган эканлар. Ҳозир ҳам уйда асл хитой чинчилари бор. Менинг ҳам орзум бирор муслмон давлатига бориб уларнинг иш фаолиятлари билан танишиб келиш...

Биз ҳам Ҳамиджон Зоиров ишларига ривож, оиласига тинчлик тилаб хайрлашдик. Илло, ота номини дилда жо этган фарзандни ота руҳи қўллаб тургай.

Бахриддин АБДУСАИД



БАХТИНИ ОЛИСДАН ТОПГАН СИНГЛИМ

Сендан кейин онамиз анчагача узига келмай юрди. Набираларига айтажак аллалари ҳам кенжатоининг соғинчи билан йўғрилиб кетарди.

Саргайиб турган дарахтнинг, алла, алла,

Соябони бормикин. Термулиб турган қизимнинг, алла, алла,

Ҳаридори бормикин. Саргайиб турган дарахтнинг, алла, алла

Соябони мен бўлай, Мултираб турган қизимнинг, алла, алла,

Ҳаридори мен бўлай... Онамизнинг аллалари қачондир уқганим бир ривоятни едга соларди.

Бир аёлнинг якка-ептиз қизи бор экан. Онасининг орзулари, армонлари, шодлиғи, ҳузур-ҳаловатлари бўлмиш қиз воёга етгач, олис эллага бир йигитга кўнгли берибди. Муҳаббат қиз қабини шу қалар асир айтабдики, қўзларига муштираб она ҳам, кекса ота ҳам қўрғинабди.

— Майли болам, ишқилиб тушган жойингда азиз бўлгин, биз розимиз, аммо бир шартим бор, — дебди она.

— Қандай шарт, онажон?

— Болаларингга алла айтмайсан.

— Шу ҳолосми?

Шу ҳолос... Шундай қилиб қиз севгини ўйлаб, олис-ларни бўйлаб кетибди.

Орадан йил утар-утмас она бўлибди. Тўнғич фарзандининг ширин бўйига туймак хидлай-хидлай бешикка ҳам солибди. Айниқса, чақалогини эмизаятганда юрагини алланечук ажиб ҳис-туйғулар ҳалқиртирар, ўз-ўзидан қўйлагуси келаркан. Бешикни оҳиста

тебратган пайтлар қўйлаш — яъни алла айтиш истаги қўнғинадан қўнғийиб борар, аммо унинг қўйламоғи мумкин эмас экан. Чақалоқ куракни ҳам оғизга олмай, «алла-лагин» деб йиллар, она эса тош қотанча, бешикни «лук-лук» қилганча, тебратгани-тебратган экан.

Орадан кўп ўтмай келин тўнғич фарзандини ерга берибди. Шу-шу у туққан болалар бешикдан тушмай уч-тўрт ойлиғидадек «учиб» қолаверибди. Ахир, юрак-бағри қонга тулган келин онтини бузишга аҳд қилибди. Бешикчи фарзандини бешикка солиш баробар неча йиллар мобайнида тилига қучомай, вужудини тошдек босиб етган Аллани бошлабди.

Ман сарик, рангим сарик, алла, алла, Саргайганимни ким билар.

Ҳасратим кўп, армон билан, қўзим болам алла.

Жон берганимни ким билар.

Ҳасратим лафтарига сизмас, алла, алла, Ҳеч битолмайман, она.

Қўрганимда кўз ешимни, алла, алла Тўхтовмайман, она.

Юрагини бўшатгандай эди келин, аммо бу аллалар унинг кўз унгида хотиралар сепини еймоқда эди. Хотиралар, ана қишлоғига элтувчи сўқмоқ йул, ана сочларига топпуқ тақиб олган қизалоқ ариқлар тўлдирган ўт-ўланларни титиб ялғиз қидиришти. Ана онажониси, икки юзи қизариб ноилар узибди, қулча нонларни эса хонтахта устига қўйганча ҳаёл суряпти. Мункиллаб қолган ота ишқомдаги атай унинг учун сақланаётган уч-тўрт бош узумга ҳассаса таянганча қараб-қараб қўяди. «Соғинтириб юбординг-ку, қизим, қўзимнинг оқу-қораси»...

Ана ўша таниш кучалар, қалдрон чехралар.

Алла келиннинг қалб тубида қат-қат бўлиб кетган соғинч китобини варақламақда эди. Алла — унинг Ватанини едга солмоқда, ҳар бир банди она-тўпроғининг хос ҳиди билан йўғрилиб, йўлга чорламақда эди.

Юрагим галвирмиди, алла болам, Солса тўлмайди тарик. Етти дарё суви билан, алла алла Ювса кетмайди, сарик.

Аллалар унинг фарзандларига ҳаёт бахш этибди, юракларига она тўпроқ, Ватан муҳаббати алла билан қўюлибди. Келиннинг ўзи эса юртини қўмсай-қўмсай қўндан-қўн сулиб бораверибди...

Ушанда мен юртини соғинган экан, нега кетмади, деб тор ўйлаган эканман. Маъна, сен сингилжоним, олис юртда туб отиб, палак эздинг, бола-чақали бўлдинг. Ота-онамиз бағрига келган чоғларинг болаларинг гашилик қилишди, дадамга, опокимга, уйимга кетамиз дея бегонасираб юришди. Шунда сен уларни аллаларинг билан овутасан. Сенинг аллаларингдан она-тўпроғи, яқин-

Болаларда ўз-ўзини эмас, одамларни севиш туйғусини тарбияламоқ керак. Бунинг учун ота-оналарнинг ўзи одамларни севиши керак.

Ҳали-ҳануз ишонгим келмайди. Наҳот ҳаммаси рост бўлса? Туй, ҳовли тўрига қўнган тўлини ой — сен, қора дўхоба қостомдаги ясама гулни ўшлаб-ўшлаб қўяётган қув. Онамизнинг кўз ёшлари...

— Ойдай қизимни узоқларга бериб юборман-а, одамлар. Маҳаллада қанча харидори бор эди, ахир. Қандай чидаркинман, қандай?

Сен эса тўлини ой эдинг, ойдай қулиб, ойдай қулиб турардинг.

— Кўйинг, опа, қиз бола палаҳмон топи, узоқда бўлса ҳам узидан тиниб-тинчсин, — тасалли беради қўшнлар.

— Қайдан ҳам уқиниша юборган эканман...

Қорли тоғдан наридадир уза диер, Уза юртда келин бўлиб қолишинг бор, Уза юртда ўз юртингнинг эслаб тургин Менга эмас, ўз юртингга бунд интизор, — қўйларди хонанда.

Сен киндик қонинг томган шу мўъжаз ҳовлини, эрта баҳордан кеч қузақ қадар ширин уфот таратувчи райхон-жамбиларни, суняч тоғларинг — ота-она, жигарларингни бир умрга тарк этаётганини билармидинг? Йўқ, билмасдинг. Чунки севги офтобининг сеҳрлар нурлари қалбингдаги уза туйғулар қўзини қамаштириб қўйган эди. Наздинда муҳаббат оламининг таянч нуқтасига айланган. Падари-бузрук-воримиз пойларига йиқилиб, оқ фотиҳа оларкансан, қўзларингдан қатра ёш туқилмагани боиси ҳам муҳаббат. Сеҳрлар офтоб уй-ҳасларинг, вужудинг банди етгач, қўзларингга қайдан ёш келсин.

Менинг бошимда эса қўшқиннинг бир сатри чарх урарди. «Уза юртда келин бўлиб қолишинг бор, уза юртда келин бўлиб қолишинг бор».

Хайрлашар чоғи кенжатоидан кўнғил узоқлаётганининг синиқ табассуми билан яширмалда бўлган онамизнинг узингча юпатдинг:

— Чет элга кетаётганим йўқ-ку, буви, тез-тез келиб тураман.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Ҳурматли ЭДУАРД ака! Таваллуд айемингиз билан чин юракдан табриклайман. Сизга энг катта бойлик-соғлиқ тилайман.

Самимий

ҳурмат билан Ҳамид СУЛАЙМОН

Ҳурматли ва қадри РОЗИЯХОН!

Сизни таваллуд топган муборак кунингиз билан шахсан узим ва фарзандларимиз

миз номидан самимий табриклаймиз. Ҳаммаимизнинг бахтимизга ҳамisha омон бўлинг.

Ҳурмат ва эҳтиром билан умр йўлдошингиз РАВШАН

ОИЛА

34 ЁШДА

Водийлик (ҳозирда Тошкентда истикомат қилади) келишган, покиза, урта буй, оппоқина, меҳрибон жувон. Инсон қалбини жуда яхши тушуниб қадрайди, болаларни севади. Касби — олий маълумотли ўқитувчи. Унинг гузал ва мардона руҳи сизнинг ҳам ишончингизни оқлашига ишончимиз қомил. Бир кам дунё деганларидек у ҳаётда фақат бахтдан тинмади. Меҳр-оқибатли, бамаъни, чиройли оила қўриб ўшайдиган 35-50 ёшгача бўлган эркакка турмушга чиқиб бахтли-саодатли яшашни истаиди. «Оила-420» мактубларингизни кутайди.

Таъзим

ОНАМНИНГ ТУФИЛГАН КУНИ

Бугун менинг туғилган куним.
Календардаги 2 рақамига термулиб
уй суриб утирибман.

Бошқалардек, бу кунда меҳмон ча-
қириб дўстлар даврасида қадаҳ сузла-
рини тинглаб, яйраб утириш менга ра-
см эмас.

Эсимда, туғилган кунимни бир мар-
та оила даврасида нишонлаган эдим.
Ушанда онам янги куйлак кийдириб,
пешонамдан упан ва орзу-ниятларини
айтиб, бошимни силаган эдилар. Бу —
мен учун дунёдаги энг қимматбаҳо ва
ягона совға, қимматли тилаклар эди.
Шундан кейин онамдан туғилган кунла-
ри қачонлигини сўраш ёдимга келган.
Онам:

— Бувимнинг эслашича, авжи пишиқ-
чилик маҳали туғилган эканман. Айт-
ганларки, Қурбонидан бир мучал ки-
чиксан. Билганим шу, — деб жавоб бер-
ган.

Демак, онам пишиқчилик маҳали ду-
нёга келган. Ушанда онамнинг йиллар
из солиб кетган маъноли юзига узоқ
термулиб яратгандан соғлиқ тиладим.
Уша кун онам ўтмишлари ҳақида узоқ
гапириб бердилар.

... Кичкинагина шоҳкалага келин бу-
либ тушганман. Ҳозирги қазоқ (ҳар
турли рўзгор буюмлари сақланадиган
омбор) ҳам ундан афзалроқ. Битта қум-
гон, таги тешик пақир, кичкина қозон
— рўзгор буюмимиз ана шулардан ибо-
рат эди. Булоқнинг соз лойидан олиб,
юпқа қилиб пақирнинг тешигини суваб,
сув олиб чикардим. Эрталабча эшик-
нинг тирқишидан кирган қор қўрпанинг
устини бир энли қоплаб қоларди. Ак-
сига олгандек, ўша йили киш қаттиқ
келиб, утинимиз туғаб қолди. Қаҳратон-
да дўнгтепанинг ортидан гузапоё ўриб
келардим. Ҳўл утинни ёндирганимча
қуларим тутунга ўлиб кетарди. Бир
кунни олам қургани келди. Ҳаво совуқ-
лигидан тишларимиз тарақлаб, эрта-
лабча утириб чиқдик. Уйга бориб, айт-
ган шекилли, кечга томон отам келди.
Туриш-турмушимни қуриб:

— Мен сени азоб-қубат учун катта
қилмаганман қизим, — дедилар.— Юр,
яхшиси олиб кетаман. Соғ-омон бўлсан-
г, пешонангдангина қураман.

Ҳайрон бўлдим. Иккиланиб қолдим.
Шунда отанг:

— Кетадиган бўлсанг ҳамма нарсани
туғлаб ут қуйиб кет, — деди овози тит-
раб. — Сен кетсанг буларнинг кимга
кераги бор.

Бу гапдан сўнг отам ўйланиб қолди.
Мен қолдим.

Орадан бир кун ўтиб, отам бир қоп
бугдой, битта қуй бериб юбордилар.
Қуйни сотиб, бугдойни тегирмонда то-

рттириб, баҳорга чиқиб олдик.

Отанг ишлади, мен ишладим. Дастлаб
қийин бўлди. Ҳар кун иккита зогора нон
ёпаман. Биттасини отангнинг белига ту-
жуб, биттасини кечга қуйиб, далага жу-
найман.

Тушлик маҳали, ҳамма чой ичгани утир-
са, мен заҳашнинг четига ўтиб, ўтин те-
ришга тушар эдим.

— Яйпанлик хола, ҳой анови даштма-
ҳаллалик келинни қақиринглар, абит қил-
мади-я, — деб айтириб юборарди чой
қайнатгич аёл.

Мен эса:

— Нонимни сувга ботириб ёб олдим.
Озгина ўтин термасам бўлмайди, — дея
баҳона қилардим.

— Нега, онажон? — деб сўрардим
ҳайрон бўлиб.

— Вой, болагинам-а, ахир дастурхонга
эл қатори ташлагани ноним йўқ бўларди-
да.

У пайтлари иш ҳам қаттиқ бўларди.
Ойнинг ёруғида кетмон чопган тунлари-
миз кўп бўлган, болам.

Ана шундай кунларга чидадим.
Аллоҳ ҳаммасини қуриб-билгучи меҳ-
рибон.

Уша йили пахталар бир бўлиб берди
дегин. Отангга, менга яхши очўт чиқди.
Колхоз шולי, бугдой берди. Иккинчи йи-
ли кузга бориб иморат бошладик. Раҳ-
матли Султонов раис Қўқон аравада тош
қилиб берди.

Одам етишмаганидан зардуволга зувала-кесак-
ни ўзим отиб берганман. Уй битди. Ҳувиллаган жи-
ҳозсиз уйга қучиб кир-
дик. Шунда ҳам отанг ик-
кимиз қувонганимиздан
хўн-хўн йиғлабмиз.

Отанг умрида бировни
алдамаган ҳалол инсон
эди. Агар қишлоқда фар-
зандларини ҳалол ризқ
билан боққан иккита
одам бўлса, бири отанг.
Битта бўлсаям шу отанг,
фаҳат тугри гапирарди.

Шунинг учун баъзи бировлар билиб-бил-
май ундан хафа бўлади. Аслида кўнгли-
да кири йўқ, шолдир-шулдир одам. Сиз-
ларга ҳам айтидики, бировни алдаманг-
лар, бировлар сизни алдаса алдасин, са-
воби сизга тегади, деб: Уша ҳақ гап.
Отанг юрган йўлида тўкилиб юради. Дам
пулини, дам бошқа нарсасини йўқотиб
келади.

— Нега бунча паришонхотирсиз, ахир,
бойлигимиз ошиб-тошиб ётгани йўқ-ку,
— десам, топиб олган одам хурсанд бўл-
са савоби тегади-ку, деб кулади. Энди
билсам, отанг шундайлиги учун ҳам биз-
га худоим тинчлик-хотиржамликдек ул-
кан бахт ато этган экан.

Бир-бирига ўхшаш кунлар ойларга,
ойлар йилларга ўланиб, ўлғайиб бола-
чақали бўлди. Онамнинг ташвишлари
орта ортиди, қамайгани йўқ. Бешта кел-
ин тушириб, ҳали-ҳали нон ёндаган
онамга, онажонимга дунёдаги энг қим-
матбаҳо совға ҳада этишни орзу қила-
ман. Ва...

Пишиқчилик маҳали шаҳар қўчалари-
га чиқиб аёлларга, кексаларга кўмкла-
шаман. Бировини югани кутаришаман,
бировини автобусга чиқиб тушишига кў-
мклашаман. Жавобига эса сўраганим
битта — Онамни дуо қилинглр.

Онамга, хокисор ва меҳрибон онажо-
нимга ўйлаб топган энг бебаҳо совгам
шудир, балки...

Абдурахмон Жўраев



С. МАҲКАМОВ сурати

ТУНГИ ҚАЙРОҒОЧНИНГ СУРАТИ

ни охирагга элтгучи дарвоза эмасми?

Ким уз дарвозасига суратини илиб қў-
яди? Уша сағаная суратлар бир кун келиб
олиб ташланиши аниқ-ку. Негаки агар акси
бўлса, бутун ер юзини қабристонга айлан-
тиришга тугри келарди.

Қолаверса, сарғиш пардага уралган қайро-
ғоч тимсолидаги нолалар бир хил. Уларда
на қибр, на вифор, на гурур бор, фақатгина
огоҳ бор, холос...

Ҳамиша навбатдаги марҳумни қабрга
қўйгани борганимизда, бошига дурура таш-
тиган, эски чопони тупроққа беланган, кет-
монига суяниб, чўнкайиб утирган гурковга
эйтиб бераман. Унинг қушлари мўғомби-
рона қулиб тургандек. Аслида унинг нафа-
қат қушларига қулаётгандек, гўе у биз бил-
маган, билмаган нимадандир хабардордек
утиради, наздимда. Балки у бу огир манза-
рани кўп кузатганидан юрагига яқин ол-
маслик, узини чапигиш учун шундай қи-
лар. Билмадим. Аммо ўша табассумнинг ун-
гн юзида борлиги рост.

Умрида қанчалаб қабр қазиган, ҳар са-
фар лаҳадга майит билан бирга қишлоқ
одамининг қушларига уйнаган бу табассумда
қандайдир бир буюк ҳикмат бордек туюла-
верди менга.

— Қабрининг ичи қурқинчи бўладими
бува?

У росмана кулади.

— Нимага қурқинчи бўларкан? Ахир
одам уз уйидан қурқадими?...

Уз уйидан!..

Менимча, уша биз билмаган, билма-
ган нарса худди уша ерда бўлса керак. Гур-

ков эса ундан бохабар.

— Одамлар бировнинг қабри еруг, баъзи
бировларники қоронгу бўлади, дейишарди,
шу ростми?

— Рост десаям бўлади. Баъзида шунақа-
синиям қурганман. Гоҳида қабрлар зах чи-
қиб қолади, қўп-қуруқ, дум жойдан зах чи-
қали...

Ҳа, энди ҳаммаси қилмишимизга яраша-
да.

— Нега энди майитни қабрга қуяётган-
да ҳам қулиб турасиз?

— Нима, йилгайми бўлмаса?.. — У ба-
ралла кулади — ҳазиллашдим, хафа бўлма.
Мана, бир фараз қилиб қур. Катта сандиқ
турибди. Ҳамма унда ажлаҳо бор деб ўйла-
пти. Ҳеч ким очипга ботинолмайди. Аммо
сен у сандиқда ажлаҳо йўқлигини аниқ
билсан. Шундай бўлгач, одамларнинг беҳуда
дахилатга тушаётганларидан сен қуласанми-
йўқми? Бу ерда ҳам худди ушундай... Қола-
верса, неча йиллардан бери гурковман.
Майитни кузатувчилар орасида тобора еш-
лар қуяйиб бораётганини ҳар сафар сезам.
Бу дуненинг узишмай қузилиб бора-
радиган ипни қуравераман ҳар сафар. Ҳа,
энди куламан-да, болам!..

Бизлар ана уша ипта тизилаб олиб
яшайверамиз эканда, унинг бошининг охи-
рини қурмай-қуролмай. Гурков эса илнинг
икки тарафини ҳам қуриб, бизларни узига
«санок»дан ўтказишга шекилли-да...

Авалгига боғли қайроғочнинг суратини
чизмоқчи бўлдим. Лекин қўлимдан келма-
ди, чизганларимдан қўнғилим тўлмайди. Кейин
эса сизга нимадир дегим келди...

Наби ЖАЛОЛИДИН

DEPАЗA

ЧЕТ ЭП ЭКИНЛАРИ ТАЪҚИҚЛАНДИ

Кубанда маҳаллий ҳўқимият томор-
қаларида ва жамоа ҳўқимиятларининг
ерларида қишлоқ ҳўжалик экинларининг
чет элдан келтирилган уруглари
екишни таъқиқлаб қўйди. Айниқса, қа-
нд лавлаг ва маккажўҳоридан қўтил-
ганидан анча кам ҳўсил олинганлиги,
экинзорларни турли зараркундалар,
касаликлар босиб кетганлиги шундай
қарорга келинишига сабаб бўлди.

ТЕРГОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Олижаноб голярни нўқиб қилиб
олиб, аслида террор ҳаракатлари би-
лан шугулланган «Аум синрикё» секта-
сининг Москвадаги филиали раҳбари
Тасиясу Оути устидан қўзғатилган тер-
гов давом этмоқда. У Россия Федерация-
си қўноқларидан келиб чиқиб «Фу-
қароларнинг ҳўқуқ ва эркинликларига,
соғлиғига путур етказувчи ташкилот-
ларни тузганлик»да, ҳамда «алдов йў-
ли билан зарар етказиш»да айбонлан-
ган. Агар суд уни айбдор деб топса, 3
йилгача қамоқ жазосига маҳкўм эти-
лади.

ОДАТ ТУСИГА КИРМОҚДА

Россия жамоатчилик телевидение-
си орқали намойиш этиладиган қўр-
сатувлар учун жанжал ва муштлашувлар
одатдаги ҳолга айланиб бормоқда.
«Мавзу» қўрсатувининг навбатдаги со-
нини суратга олиш чоғида қатнашчи-
лар ўртасида жанжал чиқди. Уларни
ажратиб қўймоқчи бўлган бошловчининг
кузи қўкарди. Қўрсатувнинг эфирга
тўғридан-тўғри узатилмаслиги қўл кел-
ди. Монтаж пайтида жанжал уринла-
рини қайчилаб ташлашди.

ЭПЛИК ЙИЛ ОРҚАГА

Абхазиядаги уруш, беқарор исёсий
вазият, собиқ СССР республикалари
билан ҳўжалик алоқаларининг узилиб
қолганлиги Гуржистон иқтисодида ўзи-
нинг салбий изини қолдирди. Халқаро
экспертларнинг ҳисоб-китобига қўра,
мамлакат иқтисодиёти бунинг натижа-
сида эллик йил орқага суриб ташлан-
ган. Гуржистоннинг ташқи қарзлари бу-
гунги кунда 1 миллиард АҚШ долла-
ридан ошиб кетган.

«ТОЗА СУВ — БОПАЛАРГА!»

Россиянинг Қўйи Новгород шаҳри-
да шу номдаги дастур ишлаб чиқилди.
Унга бинаман шу йил охиригача шаҳар-
даги 67 мактаб ва боғчаларга сув то-
заловчи мосламалар ўрнатилади. Ша-
ҳар ичимлик сувини Волга дарёсидан
олади. Унинг суви таркибиде эса Мен-
делеев даврий жадвалидаги химиявий
элементларнинг барчаси мавжудлиги
аниқланган. Бундай сувини тозаламай
ичиш, айнқса болаларга бериш зар-
арлидир.

«МОСКВИЧ» + «РЕНО»

Удмуртиядаги «Ижмаш» заводи би-
лан Фарангистоннинг «Рено» автокон-
церни ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйил-
ди. Бунинг натижаси ўлароқ, яқин йил-
ларда Ижевскда «Орбита» русумли ма-
шина ишлаб чиқарила бошлайди. Шу-
нингдек, бу ерда «Рено»нинг машина-
ларини йиғиш ҳам режалаштирилмоқ-
да.

ДЕПУТАТДАН БОШҚАСИНИ...

Москва шаҳар Пресня туман суди
РФ мудофаа вазири Павел Грачевни
суд залига мажбурлаб олиб келиш ҳа-
қида қарор қабул қилди. Шаҳардаги
169-милиция бўлинимаси бошлиғи:
«муттасил равишда судга бормай юр-
ган фуқароларни, уларнинг унвон ва
мансабларидан қатъий назар, у ерга
мажбурлаб олиб боришимиз мўмкин.
Бунинг учун суднинг қарори, ҳамда уша
шаҳсининг депутат бўлмаслиги қифоя»,
— деди.

Хорижий матбуот
хабарлари асосида
тайёрланди

Кеч қузининг аёзли тунаридан бири эди.
Борлиқни гира-шира туман қоплаган. Мен
қабристон ёнидан ўтган йўлдан борардим...

Қабристоннинг девори ёнида битта симе-
ғоч бор, унда бошида «шляпаси» бўлган чи-
роқ порлайди. Симеғочдан уч - тўрт қадам
нарида баҳайбат қайроғоч қад ростлаб ту-
рибди. Чироқнинг асосий нури қайроғоч
шоҳларининг пастроғига тушадида, юқори-
га қараб қоронғилашиб кетади. Шоҳлар эса
баргсиз, яланғоч. Сиз худди шу манзарани
тасаввур қилинг...

Чироқнинг ёйилган нурида сарғиш пар-
дага уралган қайроғоч шоҳлари тарам-тарам
бўлиб тепага ўрлаган. Сарғиш пардада гала-
ти жимирлаш бор. Бир оз қайрилган шоҳ-
лар мислсиз ноланинг рамзидек туюлади. Мо-
зористондан гўе утганларнинг огоҳ этувчи
нолалари эшитилаётгандек. Бу дуненинг ў-
тинчи, тагинки, жуда тез ўтувчи эканлиги-
дан бизларга хабар бераётгандек. Бизлар эса
уларнинг овозини эшитмаймиз.

Мен тўхтаб, сарғиш пардага уралган
қайроғочга қикилиб қолдим. Этим жимир-
лаб, бугизим нимадир тикилди-ю қушларим-
га нам тулгандек туюлди. Биз одамлар асли-
да кимлармиз? Тирикчилигимизда бир-биримиз-
дан нималаримиз биландир фарқ қилишга
уриганимиз етмаганидек, бир қўлоч хона-
қога эга бўлганимизда ҳам бу олатимизни
тарқ етмаган биз гаройиб мавжудотлар ким-
лармиз ўзи? Кўнгли инсоний ҳиссиётлардан
мосуво бўлмаган қабр қандай одамни ҳатто
мозорларимиздаги майзара ҳам биров ўйлан-
тиради, уқинчга солади.

Қаранг, қайсидаир қабрлар қучиб, ер ба-
робар бўлиб ётган бўлса, баъзиларининг ус-
тида ҳашаматли сағаналар, айниқса, баъзи
сағаналарда қулиб турган қишлоқларнинг су-
ратлари одамни айланечўқ қўйга солади.
Кимга керак бу ҳашаматлар? Ахир қабр-одам



Эдуард ДАВИДОВ:

— 22 йиллик режиссерлик фаолиятида «Томоша», «Муъжизалар қуёли», «Нима учун киш бўлади», «Кешили ёз қушиги» каби болалар фильмларини суратга олдим. Аммо таланти, иқтидорли киз ҳақида яратган «Шоҳсанам» фильмим менда бошқача таассурот қолдирди. Чунки бу киз тимсолида мен серкирра бир ижодкорни кўрдим. Ҳатто унинг зехни уткирлиги, удлабуронлиги фильмини яратинишда ортиқча қийинчилик ҳам тугдирмади. Бундай ноёб талант эгаларини яхшилаб тарбиялашимиз керак. Буни ўз вақтида англаб етган Шоҳсанамнинг онасига ҳам таҳсинлар уқийман.

Шермат ЁРМАТОВ:

— «Булбулча»нинг ичида узининг ҳақиқий булбулчалари бор. Шоҳсанам ҳам ана шулардан биридир. Очиғи, унинг қушиқ айтиб, капалакдек рақсга тушишида болаларча бегуборлиқни кўриб қувонаман.

Алишер ИКРОМОВ, бастакор:

— Шоҳсанам жудаям қобилиятли, бунинг устига одобли киз. Санъатда ўзига хос услубга эга. Ёш бўлишига қарамай мусиқа яратди, рақсга тушади. Қисқаси, Шоҳсанам ҳар томонлама ривожланиётган ёш санъат соҳибасидир. Келажакда ундан етук бир санъаткор чиқишига шубҳам йўқ...

Тоғлар, водийлар узра чўккан ажиб бир сокинлиқни узоқ-узоқлар-

дан таралаётган сирли бир наво беҳосдан уйғотлади. Само тафтидан узилиб тушай деб турган тонг юлдузи эса қуёшни уйғотгали, уни ҳам сирдан воқиф этгали шошади. Аммо уйқу-сираб турган борлиқни, бобоқуёшни бу сеҳрли куй узининг муъжизакор кучи билан аллақачон уйғотиб қўйганди. Гойибдан келаятган бу оҳанрабо куй — чанқовуз навоси эди. Худди мана шу муборак лаҳзада тугилган гудак вужудига чанқовузнинг атрофга таралаётган мунис оҳанги синтиб, томирларида қон билан оқа бошлади.

Томирларида оқаётган бу исен — куй эса қачонлардир портлаши ва юзага чиқиши мўқаррар эди...

Шоҳсанам ёшлигидан ўз тенгқурларидан айрим фазилатлар билан ажралиб турар, ва шу билан фарқланарди. У улғайиб борган сайин вужудидagi уша сирли оҳанг қалбида ажиб ҳис-туйғуларни уйғотиб, аста-секин ўзига асир этаётганди. Боғчага бораётган 4 ёшли қизчанинг туйқусдан қубинча «Ламбада» мусиқасига рақсга тушишини кўриб, боғча опалари ҳатто ҳайратланишди. Хуллас, кўпчиликнинг назарида «Ламбада» сабаб бўлди-ю, қизалоқ санъат оламига кириб келди.

Ота-онаси Шоҳсанамнинг бу қизиқшлари оддий ҳава эмаслигини сезишгач, уни 2 синфдан мусиқа мактабига беришди. Шундай қилиб қизалоқ Тошкент шаҳар 29-болалар мусиқа мактабига қатнаб, сабоқ ола бошлади. Шоҳсанам буш пайтлари ТошДУ маданият саройи қойидаги «Ўзбекистон қизлари» ансамблига қатнашиб, биринчи устози, рақс устаси Дамира Сагировадан таълим олди. У аста-секин рақс сирларини пухта эгаллаб, арабча, тожикча, туркча ва бошқа рақс турларини ҳам мукаммал ўрганди. Ҳатто Шоҳсанам 1992 йилда бўлиб ўтган талабаларнинг «Баҳор — 92» курик танловига арабча ўйин орқали рус филологияси факультети билан финалга чиқди.

ИЛҲОМ ОҒУШИДАГИ ҚИЗАЛОҚ

Шоҳсанам 10 ёшида ТошДУ маданият саройида биринчи бор тенгқурларига концерт қўйиб беради.

Шуҳ капалакка ухшаган бу қизалоқнинг қизиқишлари ҳам чегарасиздир. У қушиқ айтади, рақсга ҳам тушади, куй басталайди, пианино, ионика чалади. Шунингдек, серкирра ижодкор қиз инглиз тилида гаплаша олади. Унинг солаётган суратларида эса чуқур мазмун кашф этувчи жилолар яширин. Шоҳсанам тинимсиз ижод қилади. Ҳали энди 11 ёшта қирган бу қизалоқнинг барчасига бирдай улғуришини эшитиб, негандир ишонгим ҳам келмади.

— Турри, буларга улғуриш қийиндай туюлади. Бироқ одамда жиндай интилиш, сабр-қаноат бўлса ҳафсала билан киришиб кетавераркан, — дейди Шоҳсанамнинг ўзи.

Оилада якка-ю-ягона қиз (икки акаси бор), бунинг устига энг кенжа Шоҳсанамнинг ижод йулида, санъат йулида узини утга-чуққа уриши ота-онага маъқул келармикан, деб ўйларсиз. Ота-си Пулат ака Холиқов қизалоқининг бетиним изланишларини кўриб раҳми келганидими гоҳида «Бизнинг ўрулдан санъаткор чиқмаган, ўзининг қийнаб нима қиласан она қизим» деб қўяди. Аммо онаси Дилором опа барча юмушларини йиғиштириб, доим қизи билан овора. Мехрибон она қизининг қобилиятини, талантини хурмат қилган ҳолда тарбиялапти. Бир сўз билан айтганда, ҳам оналик, ҳам устозлик қилмоқда.

— Катта бўлганида, менга шароит яратмагандисизлар, талантими хор қилгандисизлар, деб кўнгли ўксимасин, деган мақсадда доим унинг қизиқишлари билан яшамокдаман, — дейди Дилором опа.

Шоҳсанамнинг онаси қушиқ билан куй уйғуниги бўлсин деб уни «Пахтагай» олиб бориб туради. У ерда қизалоқ ҳам мусиқа асбобларини чалиб, ҳам қушиқ айтади. Шунингдек, Шоҳсанам республикамиздаги машҳур «Булбулча» ансамблининг фаол қатнашчиси. «Булбулча»да рақсдан Дилбар опа Абдуллаева, куй ва қушиқдан эса Шермат Ёрматов унга устозлик қилайтир. Мусиқа мактабига эса Мухтабар Йўлдошева рақс борасида Шоҳсанамга чуқур сабоқ беради.

Шу йил сентябр ойининг бошида телевиденисининг биринчи дастури орқали берилган «Шоҳсанам» телефильми кўпчилиқнинг диққатини ўзи-

га тортди. Тажрибали режиссер Эдуард Давидов суратга олган бу фильм етти ойлик ижодий изланишларнинг меваси сифатида юзага келди. Фильмда қутирчоқларига концерт бераётган Шоҳсанамни кўрган киши беихтиёр болалигини қумсайди.

Санъат қилишдан талант, қобилият, изланиш талаб қилишидан таъқир сабр-бардош, кўнг ҳам талаб қилишни маълум. Мана шуларнинг барига мутасил амал қилиб келаятган Шоҳсанам «Қутирчоқ», «Томчилар», «Ойи-жон», «Қузиларим», «Салимжон — нимжон», «Дулана» каби бир қанча қушиқлар яратди. Шоҳсанам 1994 йилда «Қузиларим» қушиги билан «Илҳом чашмалари» курик танловининг ғолибаси бўлган бўлса, 1995 йилда «Қутирчоқ», «Томчилар», «Ойи-жон» қушиқлари учун Республика радио танловининг ғолибаси бўлди.

Шоҳсанам Холиқова Навоий, Деҳлавий, Суфи Оллоер, Ясавий, Амир Темур каби улуг бобокалонларнинг буюк ҳикматларини, ҳадисларини ел-лаб, дилига жо қилишни еқтиради. Бу бебаҳо ҳикматлар эса унинг маънавий дунёсини бойитиб, серкирра ижодига илҳом бошлаб келаркан.

Ёшгина Шоҳсанам рақс санъатида М. Турғунбосова, М. Аҳмедова, Ф. Солиҳоваларни, қушиқчилик санъатида Н. Абдуллаева, Ю. Усмонова, К. Раззоқовларни ўзининг устози деб санайди. Чайковский, Моцарт, Грибоедов каби композиторларга ҳавас қилади.

Ёш санъаткор қиз «Улутбек» жамгармасининг шу йил октябр ойи охирида бўладиган конкурсига тайёргарлик устида кўнг билан ишламоқда.

Яна уша таниш сирли куй, булбулларнинг хошияи, майсаларнинг шиввири, оҳуларнинг нигоҳи, тоғларнинг фусункор жамоли жамланган чанқовуз навоси Галларолнинг Марғузар тоғи тарафидан элас-элас эшитиларди. Хурматой буви невараси Шоҳсанамни бағрига босганича унинг кўзларидаги оҳангни уқиб чалаётганди, бу навони. Қизалоқ эса ҳали туғилажак, яратилажак буюк санъат олдига масрур турганича, чанқовузнинг ҳазин куйига беихтиёр сармат бўлганича илҳом оғушида ўрғинарди.

Алижон САФАРОВ

Фаройиботлар оламида

МУЪЖИЗАКОР КЎППАР

- Табиатнинг ўзи сирли бир олам. У муъжизаларга шунчалик тўлиб-тошганки, агар адолатли муносабатда бўлсак, унинг инсонларга инъомлари битмас-туганмасдир. Антарктидадаги Виктория деган жойда олимлар аjoyиб бир кўлни аниқлаганлар. Унинг суви денгиз сувидан ўн бир ҳисса тўзирокдир.
- Жазоирнинг шарқий тарафига эса доимий қайнаб турадиган бўлоқ бор. Агар унга бир парча гўшт ташланса, пишиши билангина эмас, тотлилиги, мазаси билан ҳам кишини ҳайратга солади. Маълум бўлишича бу ерда биз истеъмол қиладиган ош тузи етарли миқдорда мавжуд экан.
- Челябинскдаги «Ширин» деб аталадиган кўл яна ҳам муъжиза-талидир. Унинг сувига ерли аҳли совунсиз кир ювар экан.
- Шинжоннинг Олтой тоғли ноҳиясидаги Иртиш дарёсининг сувини ҳақиқий муъжиза деса бўлади.

Сабаби бу сув жонзотларни кўплаб тугдирш хусусияти билан барчани лол қолдирмоқда. Тугмайдиган аёллар бу дарёнинг сувини ичсалар, дарҳол ҳомиладор бўладилар.

ТИНИБ-ТИНЧИМАС ЯПОНЛАР...

Дунёдаги янгиликларнинг ярми японларга тўғри келади, десак муболаға бўлмайди. Яқинда бу мамлакатнинг «Симузди» компанияси яна бир катта ишга қўл урибди. У эълон қилган хабарга қараганда хурсандчилик онларининг бадавлат ишқибозлари 2020 йилларга бориб фазовий меҳмонхонада дам олишлари ва таом танаввул қилишлари мумкин экан. Бу меҳмонхона ердан 450 километр балангликда осилиб туради. Унда концерт ва спорт заллари, шунингдек ресторонлар ҳам бўлади. Бир ҳафталик сафар ҳар бир сайёҳ учун қарийб 900 минг долларга тушар экан.

Б. ТУРҒУНОВ тайёрлаган

Билиб қўйган яхши

ШАКА—ШАМОЙЛА АЛОМАТЛАРИ

Юз инсон ботиний дунёсининг зоҳирий ҳафаси, руҳиятининг акс садосидир. У инсон аталмиш китобнинг оқи вағари. Уни диққат билан ўқиб, батафсил ўрганган киши шу вужудга яширинган руҳиятнинг сир-асрорларидан тўла воқиф бўла олади. Бугунги кунда қураи-заминимизда 6 миллиарддан ортиқ одам яшайди, демак шунча хил феъл-атвор ва табиийки шунча чехра мавжуд.

Хўш, инсон чехрасига қараб, унинг ички дунёсидан воқиф бўлишининг нима кераги бор? У бизга нима беради?

Айтилик, сиз ўзингизга умр йўлдоши, маслакдош ёхуд сафарга ҳамроҳ танламоқчисиз. Даставвал сиз мулоқотдошингизнинг юз шамойилини эътибор беринг. Биргина мана шу шамойилнинг ўзи ҳам сизга рўпарангиздаги зот муҳити ҳақида жуда қимматли маълумотларни бериши мумкин. Ҳўмладан, азалдан элимизда зот юзли деб юритилувчи ҳузунчоқ юз соҳиблари ҳиссийларга ўта берилувчан, юксак ақл-заковатга эга бўлишди. Бундай инсонлар келажакда утган мартабалаarga ва мавқеаларга эришадилар, уларнинг фикри билан ҳамма вақт ҳисоблашиб керак. Бундай юз соҳибларидан яхши санъаткор, шорларлар, эрлардан эса иқтидорли раҳбарлар етишиб чиқди.

Юз тўрт бурчакка мойил бўлган зотлар иродаси ўта қўчқилиги, кези келганда кескин ва чўрткесарлиги билан ажралиб туришди. Уларнинг орасида бешафат ва ҳақри қаттиқ шахслар кўпчилиги ташкил этди. Улар ҳамма вақт, ҳар қандай одам билан тангаллига гаплашадилар, тилғемалик ва ҳўшомадўғилик улар учун ёт. Бундай шахсларнинг ҳўфлари ҳамма вақт уларга бўйсуниб яшашлари лозим, акс ҳолда рўзгор жанжал ва ўқубатлардан ҳўли бўлимади.

Юмалоқ шаклли чехра соҳиблари ўта дилкаш ва ҳўлган зотлар бўлишди. Улар ҳамма вақт ҳар қандай муаммони тинчлик йўли билан ҳўл этишга интилишди, қатъиятчилик ва жангарилик улар учун ёт. Шунингдек, ҳар қандай зиддият ва тўқнашулардан қўчишди. Улар ҳеч қачон мартаба ва мансаб учун югуриб-елишмайди, шунингдек «итнинг орқа ёғи» бўлиб судралашиб ҳам ўларига эг қўришмайди. Уларнинг ҳўддаги асосий ширларни умрининг ҳар қандай лаззатларидан имкони борича кўпроқ тотиб қолишди. Бундайлар ҳеч қачон ўз ҳўфти учун ноқўлайлик ва ўнғайсизлик тугдирмади, ҳўдлари ҳам ҳеч қандай зиддиятсиз, роҳат-фароғатда ўтади.

Пастдан юқорига қараб кенгайиб боруши трапеция шаклидаги юз эгалари эса сермулозамат ва артистона авторга эга бўлишди.

Шунингдек улар учун жиндай лаганбардорлик ҳисси ҳам бегона эмас. Бундай эркаклар ҳўдда ҳамма нарсага факат бесўяк тили орқали эришишди, аёллар эса ҳўддан ташқари ишонуванчилик ҳиссига эга бўлганликлари учун кўпгина ҳўдда алданиб ҳам қўлларини мўмкин. Шуларга қарамадан, улар билан қўрилган турмуш бахтли, иттифок эса самарали бўлади.

Юзи ўчбурчаксимон кишилар жуда иқтидорли ва юксак истеъдод эгалари бўлишди. Шунга қарамадан бундай зотлар ўз салоҳиятларидан ҳамма вақт шахсий манфаат ва мақсадлари учун фойдаланадилар. Бу тоифадаги аксарият одамлар вафдо, сўдақот ва фидокорлик туйғуларидан маҳрум. Агар юзи ўчбурчак шакли бўлиб, бунинг устига бурун ҳам қўш тумшугига ҳўшаб пастга қайрилган бўлса, қарингизда шайтонга ҳам дарс берадиган зот ўтирганига шубҳа қилмасангиз бўлади.

Алижон ЗОХИДИЙ



КИЗИКЧИ ХАКИДА СЎЗ

Мен мутахассис сифатида узоқ йиллардан буён таниқли кизиқчи Ҳожибой Тожибоев ижодини кузатиб, таҳлил қилиб келаман. У 1973 — 77 йилларда Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтининг драма ва кино актёри бўлимида таҳсил олди. Унинг устози — Ўзбекистонда хизмат курсатган санъат арбоби Нина Тимофеева эди. Нина Ивановнанинг устaxonасида унлаб истеъдодли актёрлар таълим олганлар. Устознинг талабаларидан кеча қайси театрга булдиларинг, деб эринмасдан сўрайдиган одати бор эди. Талабалар Олим Хужаев, Шукр Бурхонов иштирокидаги спектакллардан сўз очиб, Ҳожибой машҳур актёрлар — Соиб Хужаев қатнашган «Тошболта ошиқ», Обид Юнусов уйнаган «Парвона», Гани Аъзамов ижросидаги «Олтин девор» спектакллари ҳақида тулиб-тошиб гапирарди.

Ҳожибой киномани ҳам яхши куради. Қайси кинотеатрнинг афишасида «Комедия» сузини ўқиб қолса тамом, дарҳол уша киномани кириб томоша қиларди. У кинода курганларини дарсларда, дустлари даврасида тақлид қилиб курсатарди. Айниқса, машҳур рус адаби ва кинематографи Василий Шукшиннинг «Қизил болдраз» («Калина красная») бадиий фильми Ҳожибой ижодида бурилиш ясади. У бу киномани такрор-такрор куради, Шукшин яратган «чулаклар» образларидан куп нарсаларни урганди. Фақат енгил-елпи, саёз кули билан одамларни кулдириб бўлмастлигини кино-

дан яхши тушуниб етди...

Ҳожибой буш пайтларда илҳам билан расм чизарди. Чунки у ешлгидан рассом бўлишни орзу қиларди. Лекин институтга келиб кўрдики,

ундан зур чизадиган рассомлар бор экан. У расм чизиш билан бирга пианино чалишни ҳам кунт билан ўрганди.

Талабалик йиллари Санкт-Петербургда амалий машғулотлар ўтказиб қайтди. У ерда театр ҳаёти билан танишув Ҳожибойни уза бир оламга олиб кирди. БДТнинг машҳур актёри Лебедев билан «Холстамер» спектаклидан сўнг булган учрашув бир умр хотирасида қолди. Ушанда таниқли санъаткор шундай деган эди: «Ҳозир уч соат спектаклда уйнадим. Ярим соатдан кейин поездда Москвага жўнайман. Эрталаб «Мосфильм»да кинога тушиб, кечкурун тагин Ленинградга қайтаман. Индинга эрталаб театрга репетицияга келаман. Кечкурун спектаклда бандман. Бошқа сафар Ригада кинога тушиб келаман. Умрим йўлда утапти. Гоҳ поездда, гоҳ самолётда ролнинг сўзларини едлайман, китоб ўқийман, ижод қиламан. Болаларим, бу касбни чидаганга чиқарган...»

Бу сўзлар булажак актёр, тугрироғи кизиқчининг ижод йулини белгилаб берди. Салкам йигирма йилдан буён Ҳожибой Тожибоев Хужанд вилоят драма театрида қизгин ижодий фаолият курсатиб келяпти. У аллақачон уз истеъдоди билан ўзбек ва тожик халқлари ардоғига сазовор булган санъаткор. Ҳар икки халқнинг суюкли кизиқчиси айланган. Ҳали ундан мухлисларнинг умидлари катта.

Маъмур Умаров,
Тошкент Давлат санъат институти
доценти

Энди азиз кулгисеварлар, этиборингизга Ҳожибой Тожибоев репертуаридан урин олган оила мавзусидаги ҳангомалардан ҳавола этамиз.

ШҲР ПЕШОНА

Бир акамиз хотини пишириб келган ошни совундай-совундай қилиб олармишу пешонасига ишқалаб, кейин ермиш. Хотини ҳайрон. Эр эса гуваладай-гуваладай қилиб олармишу тагин пешонасига суртиб ермиш. Шунда хотини:

— Дадаси, нима бало бўлди сизга. Кеча куп ичворганмисиз дейман. Ахир болаларнинг олдида ошни пешонангизга суртиб егани уялмайсизми? Тугри есангиз бўлмайди?

— Ҳеч нарса сезмадингми, хотин, — дебди эри.

— Йўқ сезмадим. Нима булибди?

— Ошнинг тузини паст қилибсан.

Шунинг учун пешонамга суртиб, тузини нормални қилиб ейман.

— Вой даласи, нима бало пешонангиз шурми?

— Пешонам шўр булмаса сенга уйланармидим, — дебди эри.

«ТАГИНИ СОВУҚ»

Ошни куп яхши ниятлар билан пиширган аёл эрининг бу гапидан аразлабди. Қоронғи тушибди, болалар ухлаб қолгач, хотиннинг арази тарқаб, тескари угирилиб етган эрига гап ташлабди:

— Дадаси, ҳу даласи...Эр жим.

— Дадаси...

— Ҳа!

— Менга қараб етинг.

— Узим биламан қаёққа қараб етишни. Сендан сурамайман.

— Ҳа, энди менга қараб етаверинг...

— Кеча сенга қараб етгандим. Бугун деворга қараб етаман. Гапинг борми?

— Гапинг йўғу, битта саволим бор.

— Қанақа савол экан? Беавер!

— Дадаси, манаву тириллаб турган холодильникимизнинг музи совуқмикан ёки Антарктиданинг музи совуқмикан?..

Шунда эри шартта хотинига утирилиб:

— Иккаласидан ҳам сани гапинг совуқ, хотин, — дебди.

Ашурали ЖҲРАЕВ тайёрлади

АНАГРАММА

Анаграмма атамаси юнонча «ана» — узгартириб, алмаштириб, «грамма» — ёзув маъносини англатади. Бу жумбоқ берилган сузни тескарисига ўқиш ёки ҳарфлар урнини алмаштириб, янги мустақил сўз ҳосил қилиш билан ҳал этилади. Анаграммани эрамиздан аввалги III асрда қадимги юнон тилшуноси Ликофрон ўйлаб топган деб, ҳисобланади. Масалан, «наф» сузи тескарисига ўқилса «фан» сўзига айланади. «Фараз» сузидаги ҳарфлар урни алмаштирилса, «Зафар» сузи келиб чиқади.

Қуйида берилган сўзлардан бошқа маънодаги сўзлар ҳосил қилинчи?

Зар, Шона, Чанг, Уруг, Куза, Холва, Тарок, Чайла, Олтин, Садаф.

Анаграмма таърифланган ҳолда ҳам берилиши мумкин. Бунда у икки қисмда ифодаланади, аввал биринчи сўз ёки ном таърифи баён этилиб, сўнг шу сўздаги ҳарфлар урни алмаштирилгандан кейин келиб чиқадиган сўз акс этади. Масалан: Ўзбекистон жанубидаги шаҳар. Шеърий тўплам. Жавоби: Денов-Денов.

Анаграммалар шеърий йўлда ҳам баён этилиши мумкин.

Номдошдир у дарёга,
Африка мамлақати.
Ҳарфлар ўрин алмашса,
Республикамиз шаҳри.

Зангори олов кони,
Ўзбекистон шўхрати.
Алмашса бош ҳарф ўрин,
Ўқирсан рақс номини.
Қон томирига номдош,
Қадимий пойтахт шаҳар.
Ўрни алмашса бир ҳарф,
Дарё бўлиб у жўшар.

Ўғил болалар исми,
Удир Африка юрти.
Ўрин алмашса бўгин,
Билурсан пойтахт номин.

Фозилжон ОРИПОВ

Сўнги устун

ТИШ ЁШ ТАНЛАМАЙДИ

Покистоннинг Панжгур шаҳрида яшовчи кулол Сардор Муҳаммад 55 ёшида бахтсиз тасодиф туфайли пастки қатор тишларидан ажралган эди. Шундан сўнг у ўн йил давомида ясама тишдан фойдаланишга мажбур бўлди. Бир неча ой олдин эса унинг миллари қаттиқ азоб бериб оғрий бошлади. Тиш доктори кулолнинг тишлари қайтадан усаётганини аниқлади.

ҚОЙИЛМАКОМ БОДРИНГ

Челябинск вилоятининг Катав-Ивановск посёлкасида истиқомат қилувчи пенсионер Иван Титовнинг томорқасида усган Ветнам бодринги узунлиги 165 см, оғирлиги 6,5 килограммлик ҳосил берди. Қизиги шундаки, Иван Титов бодрингдан газак учун ҳар кун озо-оздан кесиб олади. У эса ўсишда давом этмоқда.

КИМ КҲПРОК ЯШАЙДИ?

Калифорния университетини олимлари олиб борган узоқ йиллик кузатишлардан сўнг, виждон амрига қарши иш қилмайдиган, савобталаб кишиларнинг умри одатдагидан 5-6 йилга узунроқ бўлиши аниқланди. Ойилалик кишилар ҳам ёлғизларга нисбатан кўпроқ яшаар экан.

СИНОВЧИ ЕЮВЧИ

АҚШнинг Чикаго шаҳрида истиқомат қилувчи Ферд Мигелнинг касби антика. У 1928 йилдан то 1983 йилгича эзига қадар ресторанларда хўрандаларга тортиладиган овқатларнинг таъмини қўрувчи мутахассис бўлиб хизмат қилган. Касбининг тақозоси билан дунёнинг 60 дан ортқ мамлакатларида бўлиб, 46 минг ресторанда тушлик қилган.

БОЛАЛАРНИ БАРЧА ЯХШИ КҲРАДИ

Воронеж вилоятининг Россож деган жойидаги қамоқхонада ётган жиноятчилар мана икки йилдирки, туман маркази Кантемировка шаҳарчасида жойлашган болалар уйини оталиққа олишган. Улар болаларга «Денди» типдаги телевизион уйин, оёқ кийимлар, турли хил уйинчоқлар совға қилишди. Ўзлари тўқ яшамасаларда, тежаб-тергаб болалар уйига қанд-қурс, гурuch, ёгдан ёрдам бериб туришибди.

ЖОНИ ТОШДАН ЭКАН

Свердловск темир йўлининг Оверята станцияси яқинида поезд ўрмондан чиқиб қолган айиқни уриб кетди. Яраланган маймоқвой йўл устига ётиб олди. Натижада, анча вақтгача ҳаракат тўхтаб қолди. Оқибатда, милицияни ёрдамга чақиритишга тўғри келди. Айиқни 16 ўқ билан ўлдириб йўлни очишди.

ТЕЖАМКОР ВА ЧАҚҚОН

АҚШнинг Атланта шаҳрида яшовчи Ховард Халмерни ҳеч иккиланмай тежамкор ва чаққон киши дейиш мумкин. Узингиз айтинг, 30 дақиқа ичида 2 дон тухумдан 417 та куймоқ тайёрлаган кишига яна қандай баҳо берса бўлади?

МАНЗИПМИЗ:

700078, Мустақиллик
майдони, 5-бино.

Телефон: 39-43-95
Даврон БЕК
навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0462. 23566 нусхада чоп
этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.